БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 4 (495)
6 ЯНВАРЬ
ЖУМА
1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Ўзбекистон колхозлари, совхозлари ва машина-трактор станциялари 1955 йил якунларини муҳокама қилиб, 1956 йилда мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта етказиб бериш ва республика бўйича ҳар гектар ердан 23 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашга қарор қилдилар.

Мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта етказиб бериш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтирайлик!

Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари республика кенгашининг қатнашчиларидан

ХАТ

Улуғ Ватанимизнинг барча халқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездини меҳнат соҳасида янги галабалар блан кутиб олиш учун ғоят баланд руҳ блан тайёргарлик кўраётган ҳозирги кунларда, биз партиямиз Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва ундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш юзасидан қилинган ишларнинг дастлабки якунларини тўплаш ва 1956 йилдаги вазифаларимизни муҳокама қилиб олиш учун йиғилишдик.

Бундан бир йил илгари Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР пахтачилик ходимларининг кенгаши бўлиб, бу кенгашда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашган эди. Кенгаш совет пахтачилигини ривожлантириш тарихида янги ажойиб саҳифа очди, пахта етиштиришда тубдан бурилиш ясашга — чигитни торқаторлаб, квадрат-уялаб экиш ва ғўза қатор ораларини механизация блан икки томонлама ишлаш усулларини кенг қўлланишга асос солиб берди.

Ўзбекистон колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ходимлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1955 йилда пахта етиштиришнинг янги усулларини кенг қўлландилар.

Республика колхоз ва совхозларида 1 миллион 300 минг гектар ерга чигит торқаторлаб, 250 минг гектардан ортиқ ерга квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экилди ҳамда 300 минг гектардан ортиқ ердаги ғўзалар механизация блан ягона қилиниб, қатор оралари икки томонлама ишланди.

Бу йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб жойлаштирилган ҳамда икки томонлама парвариш қилинган далалардаги ғўзаларнинг аҳволи қаторлаб экилган далалардаги ғўзаларга қараганда бутун ёз бўйи яхши бўлди. Бундай далаларда ғўзалар анча текис ривожланди, ҳосил мўл бўлди ва бирмунча эрта пишди.

Ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш ва қатор ораларини икки томонлама ишлаш усуллари қўлланилган барча колхозларда қўл меҳнати анча камайди.

Тажриба ғўзаларни квадрат-уялаб жойлаштириш энг яхши схема эканлигини кўрсатди. 50X50, шунингдек 45X45 сантиметрли квадратлар эса тракторлардан унумли фойдаланиш, ғўза туплари қалинлиги яхши бўлишини та'минлаш, бутун майдонда ғўзаларни биртекис жойлаштириш имконини берди.

Шуни ишонч блан айтиш мумкинки, юзлаб колхозлар, кўпгина совхоз, МТС ва районлар чигитни торқаторлаб ва квадрат-уялаб экиш усулини кенг қўлланганликлари туфайлигина 1955 йилда ўз вазифаларини муваффақиятли уддалайолдилар.

Пахта тайёрлаш давлат планини бажарган Андижон, Тошкент, Наманган, Фарғона, Сурхондар'ё областьларидаги колхоз, совхоз ва МТСларнинг муваффақиятга эришувида пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари ҳал қилучи роль ўйнади.

Республикадаги жуда кўп колхозлар, совхозлар ва машина-трактор станцияларининг мисолида янги прогрессив усулларнинг буюк ва ғолиб кучи исбот қилинди.

Қашқадар'ё область Китоб районидаги ўртоқ Маҳмудов раҳбарлик қилаётган Хрушчев номли колхоз 798 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 44 центнердан пахта топширди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Бакиров раис бўлган Андижон районидаги Сталин номли колхоз 1492 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб пахта олди.

Тошкент областидаги Оржоникидзе районининг колхозлари 5738 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ошириб ҳосил олдилар, шу райондаги ўртоқ Матқобулов раис бўлган «Қизил Ўзбекистон» колхози эса 1176 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 37 центнердан пахта топширди.

Ўртоқ Икромов раислик қилаётган Наманган районидаги «Ленинград» колхози 1837 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили олди.

Республикадаги 100 га яқин колхоз пахта етиштиришда прогрессив усулларни кенг қўлланиш туфайли ҳар гектар ердан 30 центнердан ва бундан ошириб пахта ҳосили териб олди.

Биз 1956 йилда квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб чигит экиш усулларини янада кенгроқ майдонларда қўлланишга қарор қилдик.

Биз 1956 йилда илгари мослаштирилган барча мавжуд техникадан фойдаланишимиз ҳамда 50X50 сантиметрли схема бўйича квадрат-уялаб чигит экишни анча кенгайтиришимиз керак. Токи 1957 йилда майда карталардан ташқари асосий майдонларда квадрат-уялаб чигит экиш ва қатор ораларини икки томонлама ишлаш усуллари тўла жорий қилинсин.

Чунки биз бунда пахта ҳосилдорлигини ва унинг ялпи маҳсулотини ошириш, колхоз ва совхозларни ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, колхозчилар, МТС ва совхоз ишчиларининг моддий фаровонлигини оширишнинг тўғри йўлини кўрдик, шунинг учун ана шундай қарорга келдик.

Ўзбекистон колхозлари, совхозлари ва машина-трактор станциялари 1955 йилнинг якунларини муҳокама қилиб, бир миллион гектарга яқин майдонга квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб, шу жумладан 385 минг гектар ерга 50X50 сантиметрли схема бўйича чигит экишга қарор қилдилар. Қолган, оддий қаторлаб экиладиган барча майдонда чигит қатор ораларини 60 ва 45 сантиметр қилиб экилади.

Бу эса бизга 1956 йилда камида 3 миллион тонна пахта етиштириб давлатга топшириш ва республика бўйича ҳар гектар ердан 23 центнердан пахта ҳосили олиш имкониятини беради, деб ҳисоблаймиз. Шу жумладан:

Тошкент области бўйича 465 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 24,5 центнердан ҳосил оламиз; Фарғона области бўйича 410 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 24 центнердан ҳосил оламиз; Наманган области бўйича 305 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 25,4 центнердан ҳосил оламиз; Андижон области бўйича 423 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 26,5 центнердан ҳосил оламиз; Самарқанд области бўйича 360 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 20,8 центнердан ҳосил оламиз; Бухоро области бўйича 280 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил оламиз; Қашқадар'ё области бўйича 120 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 17,5 центнердан ҳосил оламиз; Сурхондар'ё области бўйича 205 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан 24,8 центнер ҳосил оламиз; Хоразм области бўйича 235 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 22 центнердан ҳосил оламиз; Қорақалпоғистон АССР бўйича 197 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширамиз ва ҳар гектар ердан камида 18,4 центнердан ҳосил оламиз.

Биз олинган мажбуриятларни бажариш учун курашиб, давлатга юқори сифатли ва белгиланган кондицияларга қат'иян мос келадиган пахта топширилишини та'минлаймиз. Биз ўз устимизга ана шу мажбуриятларни олиш блан 1956 йилда пахта етиштиришни 1955 йилда ҳақиқий тайёрланган пахтанинг миқдорига нисбатан 500 минг тоннага яқин оширишимиз кераклигини назар-э'тиборда тутамиз.

Биз ана шу муҳим вазифанинг уддасидан чиқмоқ учун кўкламги экишгача қолган вақт ичида жуда катта ишлар қилишимиз керак.

Аввало биздан далада қолган ҳосилнинг ҳаммасини териб олиб, давлатга топширишни тезда тамомлаш талаб қилинади.

Ҳарбир қулай кундан ерларни шудгорлаш, кўкламги экишга тайёрлаш, мумкин қадар кўпроқ гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитлар тўплаш, минерал ўғитларни колхоз ва совхозларга ўз вақтида ташиб олиш, суғориш тормоқларини тўла тахт қилиш, шунингдек коллектор ва зовурларни тозалаш, уруғликларни экишга тайёрлаш учун фойдаланишимиз лозим. Жуда кўп тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини қайта мослаштириш зарур. Уруғликларни саралашга ва экиш вақтида уларни эҳтиётлаб сарфлашга алоҳида э'тибор бериш керак. Пахта тозалаш заводлари, тайёрлаш пунктлари ходимларининг бурчи — республика колхоз ва совхозларига юқори сифатли уруғлик фондини ўз вақтида тайёрлаб беришдир.

Энг муҳим вазифа шуки, қиш даврида колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС механизаторлари режа симли квадрат-уялаб чигит экучи сеялкаларда ишлашга амалий ўргатилиши ва синовдан ўтказилиши керак.

Бу йилги тажриба квадрат-уялаб чигит экучи сеялкаларда ишлашга ажратилган кишилар режа сими блан чигит экиш техникасини мукаммал билган жойларда квадратлар аниқ бўлганини ва қатор ораларни икки томонлама ишлаш учун тўла имконият вужудга келтирилганини кўрсатди.

1956 йилда чигит экишни энг қулай муддатларда, ҳарбир колхозда 8 — 10 кун ичида ўтказиш учун кўкламга яхши тайёрланишимиз зарур. Апрельнинг охиригача ҳамма майдонларда чигитни бир текис ундириб олиб, ғўзани яганалаш ва букетларни ростлаб қўйишни эрта тамомлаш, ғўза парвариши, озиқлантириш ва суғоришни ўз вақтида, сифатли ўтказиш лозим. Бу тадбирлар ғўзанинг яхши ривожланишини, мўл ҳосил тўплашини ва пахтанинг эрта етилишини та'минлайди.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, республиканинг барча меҳнаткашлари мамлакатни пахта блан та'минлаш учун мас'улиятли эканликларини ҳис қилиб, олинган мажбуриятларни бажариш, пахтачиликни янада юксалтириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтирмоқдалар.

Республика колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини амалга ошириб, ўтган йилда чорвачиликдаги ишларни бирмунча яхшиладилар.

Республика колхоз ва совхозлари Партия ва Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини планлаштириш практикасини ўзгартиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, перспектив планлар асосида чорва молларни парвариш қилиш ва боқиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш ҳамда чорва моллар сонини кўпайтириш юзасидан 1955 йилда бирмунча иш қилдилар.

Республикадаги кўпгина колхозлар ва илғор совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш даражасини 1955 йилдаёқ КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан республика учун 1960 йилга белгиланган даражага етказдилар.

1955 йилда республика колхоз ва совхозларида 120 минг гектардан ортиқ ерга маккажўхори ва оқжўхори экилди. Колхоз ва совхозларда биринчи марта 600 минг тонна маккажўхори силоси бостирилди. Бу сут соғиб олишни анча ошириш, жун қирқиш ва гўшт етиштиришни кўпайтириш имконини берди.

Янгийўл районидаги ўртоқ Ортиқов раис бўлган Сталин номли колхозда 1955 йилда 163 сигирнинг ҳар биридан 3137 килограммдан сут соғиб олинди.

Тошкент область, Калинин районидаги ўртоқ Мирзаев раис бўлган Сталин номли колхозда 168 сигирнинг ҳар биридан 2934 килограммдан сут соғиб олинди.

Калинин райони колхозлари 1955 йилда қўлда боқилаётган ҳарбир сигирдан пландаги 1400 килограмм ўрнига 1746 килограммдан сут соғиб олдилар, Оржоникидзе райони колхозларида эса ҳарбир сигирдан соғилган сутнинг ўртача миқдори пландаги 1400 килограмм ўрнига 1622 килограммни ташкил этди.

4-нчи «Вревский» совхозида 1955 йилда ҳарбир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 4776 килограммга етди.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш ва сотиш анча кўпайди. Ўтган 11 ой ичида умуман республика бўйича 1954 йилнинг шу вақтидагига қараганда 7 минг тонна гўшт, 21,6 минг тонна сут, 1,1 минг тонна жун ва 10 миллион дона тухум кўп тайёрланди.

Лекин булар бизни сира қаноатлантирмайди ва қаноатлантириши мумкин эмас. Чунки чорвачиликни юксалтириш ишида анчагина камчиликлар бор.

Кўпгина колхозлар, бутун-бутун район ва областьлар маҳсулдорлик юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар: Пландагига қараганда кам сут, жун олдилар, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорига мувофиқ ўзлари ишлаб чиққан тадбир ва планларни бажармадилар. Ҳали бизда чорва қишловини ўтказишга яхши тайёрланмаган кўпгина колхоз, совхоз ва районлар борки, бу ҳақда айтиб ўтмасдан бўлмайди. Бу колхоз, совхоз ва районларнинг раҳбарлари бепарволик қилиб, ем-хашакни етарли жамғармадилар. Узоқдаги яйловларга ем-хашак ташиш ва уларда ем-хашак запаси барпо этиш тўғрисида қайғирмадилар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида юз берган аҳволни ва ўз имкониятларимизни муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советини ишонтириб айтамизки, 1956 йилда қуйидагиларга эришмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз:

1) ем-хашак базасини анча яхшилаймиз, колхозлар бўйича камида 4 миллион 800 минг тонна, совхозлар бўйича 360 минг тонна хашак тайёрланишини та'минлаймиз. Бедапоялар-нинг ҳар гектаридан камида 55 центнердан қуруқ беда оламиз, колхозларда 385 минг тонна, совхозларда 60 минг тонна концентрат озиқ етиштирамиз. Энг қимматли ем-хашак экини ҳисобланган маккажўхори, шунингдек оқжўхори, кунгабоқар ва бошқа экинлар майдонини кенгайтириш ҳисобига колхоз ва совхозларда ҳарбир сигир учун камида 5—6 тоннадан силос бостирамиз.

2) 1956 йилда камида 19 минг 400 тонна жун, шу жумладан колхозларда 15 минг 700 тонна жун, камида 340 миллион дона тухум, 126 минг тонна гўшт, 553 минг тонна сут етиштирамиз, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш планини муддатидан олдин бажарамиз.

Чўчқалар сонини анча кўпайтириб, 161 минг бошга, шу жумладан колхозларда 56 минг бошга, паррандалар сонини 4 миллион 900 минг бошга, шу жумладан колхозларда 1 миллион 260 минг бошга етказамиз.

1956 йилда чорвачиликдаги ана шу катта вазифаларни тўла бажариш учун чорва қишловини намунали ўтказиш, молларни тўла сақлаб қолиш, қўзилатиш кампаниясини уюшқоқлик блан ўтказиш мажбуриятини оламиз. Чорвачиликда кўп меҳнатталаб ишларни кенг механизациялаштирамиз, чорвачилик фермаларини малакали кадрлар блан мустаҳкамлаймиз.

Республикамиз колхозлари — кўп тормоқли хўжаликлардир. Энг муҳим вазифаларимиздан бири шуки, дон, бошоқли ва мойли экинлар етиштиришни анча кўпайтиришимиз керак.

Биз, биринчи навбатда дар'ёларнинг ёқалари ва этакларида шолипоя майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни кескин ошириш ҳисобига энг қимматли озиқ-овқат экини бўлган шоли етиштиришни кўпайтириш учун республиканинг бой имкониятларидан фойдаланишимиз лозим.

Дон экинлари, мойли экинлар, шоли ва бошқа экинлар экиш бўйича колхоз ва совхозларда белгиланган планларни тўла бажариш, бу экинлардан юқори ҳосил олиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз. Шунингдек пилла етиштиришни янада кўпайтирамиз.

Мамлакатда етиштирилаётган луб экинларининг анчагина қисми республикамиз колхозлари зиммасига тушади. Биз луб экинлари етиштиришни кўпайтириш, 1956 йилда 115 минг тонна поя, 2300 тонна уруғ топшириш учун ҳамма чорани кўрамиз.

Боғдорчилик ва узумчиликни тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилиш керак. Сабзавот экинлари ва картошка ҳосилини анча ошириш зарур. Бу вазифаларни қисқа вақтда ҳал қилиш, республикамизда мева, узум, сабзавот ва картошкани мўл-кўл қилиш учун ҳамма чорани кўрамиз.

Суғориладиган ерларни кўпайтириш соҳасида анча ишлар қилишимиз керак. 1956 йилда янги ерларни ўзлаштириш планларини тўла бажариш ва сувдан тежаб фойдаланиш учун барча тадбирларни амалга оширамиз.

Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистон каби қардош пахтакор республикалар блан социалистик мусобақани кенг қизитамиз, область, район, колхоз ва совхозлар, машина-трактор станциялари, бригада ва звенолар, барча колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари ўртасида ҳам социалистик мусобақани кучайтирамиз, фан ютуқлари ва илғор тажрибани қишлоқ хўжалигига кенг ёямиз, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини оширамиз, колхоз, МТС ва совхозлардаги ресурслардан тўла фойдаланамиз ва шулар асосида, пахтачиликни, чорвачиликни ва республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан олган мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини та'минлаймиз.

Бизнинг бу сўзимиз—қат'ийдир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ КЕНГАШИДА 1955 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Улан-Батордан Цзинингга борадиган темир йўл қурилиши битганлиги тўғрисида ва СССР, Мўғулистон Халқ Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасида туташ темир йўл қатнови бошланганлиги тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматларининг

ҚЎШМА БАЁНОТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида шу мамлакатларнинг ҳукуматлари ўртасида 1952 йил сентябрь ойида музокаралар бўлиб ўтди. Шу мақсадлар билан мазкур Ҳукуматлар Совет Иттифоқи, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида туташ темир йўл қатнови ташкил қилиш тўғрисида 1952 йил 15 сентябрьда Битим тузадилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Мўғулистон Халқ Республикаси Ҳукуматлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларга мувофиқ, Улан-Батордан Дзамин-Удэ орқали Мўғулистон Халқ Республикаси чегарасигача борадиган темир йўлни қуриб битказдилар, Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати эса ўз зиммасига олган мажбуриятларга мувофиқ, Цзинингдан Эрлянь орқали Хитой Халқ Республикаси чегарасига борадиган темир йўлни қуриб битказди.

Совет Иттифоқи, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси темир йўллари вакилларининг 1955 йил сентябрь-октябрьда Улан-Баторда бўлган конференцияси СССР, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида туташ темир йўл қатнови бошланиши яқинлашганлиги муносабати билан шунга боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилди.

1955 йил 31 декабрьда Улан-Баторда Улан-Батор—Пекин ўртасида туташ темир йўл қатновини очиш маросими бўлди ва 1956 йил 3 январьда Хитой-Мўғулистон чегарасида икки темир йўлни бир-бирига улаш маросими бўлди.

Совет Иттифоқи, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида туташ темир йўл қатнови 1956 йил 1 январьда бошланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов Эрон парламент делегациясини қабул қилди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов Тошкентга келган Эрон парламент делегациясини 4 январьда қабул қилди.

Делегацияга СССР Олий Советининг депутати, РСФСР маориф министри И. А. Каиров, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари А. П. Павлов, СССР Олий Совети Президиумининг маслаҳатчиси А. С. Думин ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон меҳнаткашларидан меҳмонларга ва бутун Эрон халқига салом топшириб, делегация аъзоларини республиканинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари билан таништирди. Шундан кейин бошланган дўстона суҳбат вақтида меҳмонлар Ўзбекистон халқ хўжалигининг айрим тармоқларини, айниқса, пахтачилик, ирригация, тўқимачилик саноатини ривожлантиришга тааллуқли бўлган жуда кўп саволлар бердилар. Делегация аъзолари ўзларининг ҳамма саволларига қониқарли жавоблар олдилар. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг деҳқончиликдаги юксак маданият ва дала ишларини механизациялаш асосида пахтадан юқори ҳосил олишининг тажрибасини ўз вақтида қўлга киритганлари ҳақидаги маълумотлар, хусусан илғор колхозларнинг ҳар гектар ердан 30—40 центнердан ва ундан ҳам ортиқ пахта ҳосили олаётганликлари ҳақидаги маълумотлар катта қизиқиш билан тингланди.

Эрон парламент делегациясининг бошлиги Муҳаммад Саид жаноблари самимий кутиб олганлиги учун Ш. Р. Рашидовга миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон меҳнаткашларига ишда муваффақиятлар тилади. делегациянинг Совет Иттифоқига ва шу жумладан Ўзбекистонга келганлиги халқлар ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Суҳбат вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари В. Я. Емцов ва В. С. Содиқова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. И. Илҳомова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари С. Зиёмов, Э. К. Қодиров, А. М. Қўчқоров, М. И. Кичанов, С. И. Комков, Ф. Р. Носиров, Н. М. Мирошхина, М. Шералиев ҳозир бўдилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент темир йўли ходимларига фахрий унвонлар берилди

Тошкент темир йўлининг эллик йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент темир йўли ходимларидан бир группасига жумладан, Тошкент области бўйича қуйидагиларга фахрий унвонлар берди.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»:

1. Акрам Бакирович **Акбаров** — Тошкент темир йўли ҳузуридаги Л. М. Каганович номли болалар сувак-сил санаториясининг бошлиғи.

2. Анна Федоровна **Кутумова**—Тошкент темир йўлига қарашли Тошкент станциясидаги 2-нчи йўл касалхонасининг терапевт врачи.

3. Стефания Изидоровна **Михальская** — Тошкент станциясидаги 2-нчи йўл касалхонасининг терапевт врачи.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби»:

1. Иван Григорьевич **Бесировний**—Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти бошлигининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

2. Михаил Филлипович **Прасолов** — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг бошлиғи.

3. Константин Александрович **Погорелко**—Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти «Кўприклар ва конструкциялар» кафедрасининг мудири.

4. Малик Хўжаевич **Хўжаев** — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти «Станциялар ва узеллар» кафедрасининг мудири.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»:

1. Анастасия Дмитриевна **Герасина** — Тошкент темир йўлига қарашли Тошкент станциясидаги 37-нчи ўрта мактаб ўқитувчиси.

2. Ойша Ибрагимовна **Ҳожимуллаева** — Тошкент темир йўлига қарашли Тошкент станциясидаги 40-нчи ўрта мактаб ўқитувчиси.

3. Серафима Самуиловна **Егунова** — Тошкент темир йўлига қарашли Тошкент станциясидаги 38-нчи ўрта мактаб ўқитувчиси.

4. Екатерина Сергеевна **Крупнова** — Тошкент темир йўлига қарашли Тошкент станциясидаги 38-нчи ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири ва ўқитувчиси.

5. Людмила Никаноровна **Шустаева** — Тошкент темир йўлига қарашли Тошкент станциясидаги 37-нчи мактаб ўқитувчиси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Колхоз партия ташкилоти хўжаликни юксалтириш учун курашмоқда

Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхози ўтган йиллари райондаги энг қолоқ колхозлардан бири ҳисобланар эди. Колхозда пахтадан олинадиган ҳосил ошиши ўрнига йилдан-йилга камайиб борди. 1954 йили ҳар бир гектар ердан олинган ҳосил 10 центнерга зўрға етди. Пахта тайёрлаш плани бажарилмай, колхоз давлат олдида қарздор бўлиб қолди.

Колхоз экономикасида асосий ўрин тутган пахтачиликда юз берган бу жиддий аҳвол хўжаликнинг заифлашишига, колхозчилар даромадининг камайишига сабаб бўлди.

Район партия комитетининг МТС зонаси бўйича инструкторлик группаси колхоз партия ташкилоти билан биргаликда колхознинг шу қадар камҳосилли, қолоқ ва камқувват бўлиб қолишининг сабабларини чуқур ва атрофлича ўрганди.

Колхозда ўтган йиллари кадрларни, айниқса далачилик бригадаларининг бошлиқларини танлашга, пахтачиликда илғор агрономия фани ютуқларидан фойдаланишга, дала ишларини механизациялаштиришга етарли эътибор берилмади. Колхоз правлениеси ва унинг собиқ раиси Ўртоқ Ҳусанов кенг колхозчилар оммасидан ажралган ҳолда, қўпол маъмуриятчилик билан иш олиб борди. Колхоз партия ташкилоти ва коммунистларнинг фикри билан ҳисоблашмади.

Колхоз партия ташкилоти ишида ҳам жиддий камчиликлар юз берди. Колхоз правлениесининг хўжалик фаолияти устидан доимий контроль олиб бормади, у йўл қўйган камчиликларни ўз вақтида кўрсатмади ва уни бартараф қилиш, далачилик бригадаларининг ишини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрмади. Шунингдек партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани ривожлантириш ва мўл ҳосил учун курашни ташкил этиш масалалари билан етарли шуғулланмади. Коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги авангардлик роли оширилмади.

Колхоз партия ташкилотининг 1954 хўжалик йилининг якунлари ва 1955 йилдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишида коммунистлар партия ташкилотининг эътиборини ана шу масалаларга қаратдилар, келгуси иш юзасидан кўпгина қимматли таклифлар киритдилар.

Колхоз партия ташкилоти колхоз правлениеси билан биргаликда 1955 хўжалик йилнинг муваффақиятли ўтказиш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқар экан, асосий эътиборни колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, пахтачиликни ривожлантириш йўлларини белгилашга қаратди. Ўз-ўзидан маълумки, даставвал, кадрларни тўғри жойлаштирмай ва далачилик бригадаларини коммунист ва комсомоллар ҳисобига мустаҳкамламай туриб, бу соҳада бирон жиддий натижага эришиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам колхоз партия ташкилоти ишни ана шундан бошлади. Партия ташкилоти колхознинг собиқ раиси Ўртоқ Ҳусанов ўрнига агроном коммунист Ўртоқ М. Ражабовни тавсия қилди. Колхозчилар ўзларининг умумий йиғилишларида уни раисликка сайладилар. Шунингдек, партия ташкилоти ўтган йили гектаридан 7—8 центнердан ҳосил олган 1, 3, 4 ва 11-нчи бригадаларга коммунистлардан Н. Ғофирбоев, Қ. Султонов, М. Бердиев ва А. Абдураимов ўртоқларни бошлиқ қилиб тайинлашга қарор қилди. Бошқа бригада ва звенолар ҳам коммунист, комсомол аъзолари ҳисобига мустаҳкамланди.

Шу билан бирга партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш, уни хўжалик вазифалари билан қат'ий боғлаб олиб бориш масаласи ҳам партия ташкилотининг диққат марказида турди.

Колхознинг кўпгина ери узоқ йиллар давомида сурункасига пахта экилиши ва унинг ҳосилдорлигини ошириш учун зарур тадбирлар кўрилмаганлиги натижасида кучсизланиб қолган эди. Колхоз партия ташкилотининг таклифига биноан ана шундай ерлардан 220 гектарига алмашлаб экишни назарда тутиб, беда экилди.

Партия ташкилоти чигитни тўқаторлаб ва айниқса квадрат-уялаб экишни жорий қилишга катта эътибор берди. Колхозчилар ўртасида бу методнинг афзалликлари ва унинг пахта ҳосилини ошириш гарови тушунтирилди. 1955 йили 730 гектар ернинг 630 гектарига чигит квадрат-уялаб экилди. Ўғза парваришни механизациядан кенг фойдаланган ҳолда намунали ташкил этилди. Барча майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Пахта йиғим-терими яхши тайёргарлик кўрилган ҳолда бошланди ва уюшқоқлик билан ўтказилди.

Колхоз партия ташкилоти пахта йиғим-терим даврида ҳам ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни қат'ий план асосида олиб борди. Барча бригадаларда дала шийпонлари пахта йиғим-терим даврига мослаштириб қайта жиҳозланди. Улар радио приёмниклар билан таъминланди. Агитаторлар бу ерда колхозчилар ва механизаторлар билан суҳбатлар ўтказилар, газета ва журналлар ўқиб бердилар. Деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқардилар. Улар пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларидан бошлаб асосий эътиборни теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш, кўпмингчилар ҳаракатини кенгайтириш ва теримда меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш учун курашга қаратдилар.

Теримчилар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш масаласига ҳам партия ташкилоти катта эътибор берди. Ҳарбир далачилик бригадасида болалар боғчаси ва ясли ташкил этилди. Колхозчилар узлуксиз равишда иссиқ овқат билан таъминланди. Уларга ҳар ўн кунда бир марта кино-картина кўрсатиб турилди, лекциялар уюштирилди. Партия ташкилотининг секретари Ўртоқ М. Раҳимов ташкилий ва оммавий-сиёсий тадбирларни амалга оширишга шахсан бошчилик қилди ва унинг бериши устидан доимий контроль олиб борди.

Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги авангардлик ролини оширишга катта аҳамият берди. Коммунистлар бошчилик қилаётган 7 пахтачилик бригадасининг ҳаммасида колхозда пахта тайёрлаш планини ошириб бажарилди. Ўртоқ Бердиев бошлиқ бригаданинг аъзолари 55 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 20,2 центнердан, Ўртоқ Ҳолматов бошлиқ бригаданинг аъзолари 68 гектар ернинг ҳар гектаридан 19,6 центнердан ҳосил олдилар. Шунингдек Султонов, Ғофирбоев, Абдураимов ва бошқа коммунистлар бошлиқ бригадаларда ҳам пахтадан мўл ҳосил олинди.

Оддий колхозчи бўлиб ишлаётган 18 коммунистнинг ҳаммаси теримда бевосита иштирок этди. Коммунист ва комсомоллар теримчилар ўртасида кўпмингчилар ҳаракатини кучайтириш учун курашнинг жанговар программаси», «Меҳнат унумдорлигининг ҳартомонлама ошириллиши — социалистик саноатни янада ривожлантиришнинг муҳим шарти», «СССРда халқ хўжалигини планлаштириш», «Техник нормаланиш ва иш ҳақи тўлашни ташкил этиш» ва бошқа темаларда лекция ҳамда докладлар тингладилар.

Лекция ва докладларни ўқишга раҳбар партия ва совет ходимлари, шунингдек корхоналарнинг директорлари ҳамда молия-хўжалик муассасаларининг раҳбарлари жалб этилган.

Е. БЕКНАЗАРОВ,
Ўртасарой район партия комитетининг 1-нчи МТС зонаси бўйича инструктори.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети пахта тозалаш заводлари, область пахта тайёрлаш трестлари ва ёғ заводларининг 1955 йил декабрь ойининг учинчи ўнкунлигида пахта толаси ишлаш ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш юзасидан иш якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Далварзин пахта тозалаш заводида қолдирилсин** (завод директори Шагаев, партия ташкилотининг секретари Худойбердиев, ишчилар комитетининг раиси Баутин ўртоқлар), бу завод 1955 йил декабрь ойининг учинчи ўнкунлигида пахта толаси ишлаш топшириғини 134,7 процент ва момиқ ишлаш бўйича планни 104 процент бажарган.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидаги трест ва заводларга берилсин:

а) **Тошкент область пахта тайёрлаш трестига** (трест бошқарувчиси Нормуҳамедов, бош инженери Андрюшкевич ўртоқлар), бу трест 1955 йил декабрь ойининг учинчи ўнкунлигида пахта толаси ишлаш топшириғини 101,8 процент ва момиқ ишлаш планини 132,8 процент бажарган. Байроқ Самарқанд область пахта тайёрлаш трестидан олиб берилсин;

3. 1955 йил декабрь ойининг учинчи ўнкунлигида **Чиноз, Қоракўл, Тошкент, Кўқондаги 1-нчи, Зирабулоқ** пахта тозалаш заводларининг ва **Наманган область пахта тайёрлаш трестининг** яхши ишлаганлиги қайд қилиб ўтилсин.

Тошкент темир йўлининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш

Беча Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида Тошкент темир йўлининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда кекса темир йўлчилар ва транспорт новаторлари, Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи ва Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг ходимлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда шаҳар жамоатчилигининг вакиллари иштирок этдилар.

Тошкент темир йўлининг бошлиғи Ўртоқ Қодиров «Тошкент темир йўлининг 50 йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш охирида катта концерт берилди.

Коммунистлар техника прогресси учун курашда

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати 2-нчи тўқув фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, корхонанинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш, унинг ишлабчиқариш қувватини ошириш, меҳнат унумдорлигини юқори кўтариш, техника прогресини ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг тобора ўсиб бораётган ватанпарварлик ҳаракатига цех партия группалари бошчилик қилмоқдалар. Улар коллективни янгидан-янги ютуқлар сари бошлаб бормоқдалар. Шу билан бир қаторда партия группалари коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги авангардлик ролини ошириш, ишлабчиқариш новаторларининг тажрибасини оммалаштириш, социалистик мусобақа ва рационализаторлик ҳаракатини кучайтириш масалалари билан кун сайин кўпроқ шуғулланмоқдалар.

Мастер ёрдамчиси коммунист Ўртоқ Катанаев АТС-5-20 тўқув станогининг иш процессини кузатиб бориш натижасида газламани қисиб қолувчи мосламанинг ишини камайтириш ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф синовдан ўтказилганда шу нарса аниқландики, дастгоҳнинг уриш кучи камайиб, арқоқнинг уриб кетиши орқасида бўладиган брак озаяди, моки ва гоноклрнинг тез ишдан чиқиб қолишига барҳам берилади. Натижада станокнинг иш унуми анча ортади.

Шунингдек Ўртоқ Катанаев мастер ёрдамчиси Ўртоқ Сагалаев билан биргаликда ёрдамчи материаллар ва айниқса мокилардаги ғадир-будурликларга хотима бериш билан тўқишда ишлатилаётган ипнинг узилишини камайтириш йўлини топдилар. Бу таклиф машиналарнинг тўхтовсиз ишлаши ва тўқиш сур'атини тезлатиш имконини беради, меҳнат унумдорлиги бирмунча ортади.

Шу каби коммунистлардан Репин, Ҳабибуллин ва бошқа Ўртоқлар ҳам фабриканинг актив рационализаторлари ҳисобланадилар. Улар техника прогрессини ривожлантириш, технологияни такомиллаштириш юзасидан қимматли таклифлар киритдилар.

Саноат экономикасини ўрганиш юзасидан семинар

Янгийўл район партия комитети ҳузурида саноат экономикасини ўрганиш юзасидан район раҳбар ходимлари учун ташкил қилинган назарий семинарларнинг машғулотлари мунтазам равишда ўтказиб турилмоқда.

Семинар қатнашчилари «КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари — саноатни янада тараққий эттириш ва техника прогресси учун курашнинг жанговар программаси», «Меҳнат унумдорлигининг ҳартомонлама ошириллиши — социалистик саноатни янада ривожлантиришнинг муҳим шарти», «СССРда халқ хўжалигини планлаштириш», «Техник нормаланиш ва иш ҳақи тўлашни ташкил этиш» ва бошқа темаларда лекция ҳамда докладлар тингладилар.

Лекция ва докладларни ўқишга раҳбар партия ва совет ходимлари, шунингдек корхоналарнинг директорлари ҳамда молия-хўжалик муассасаларининг раҳбарлари жалб этилган.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Айрим „майда-чуйда“лар ҳақида

— Менга болалар туфлисидан керак эди.

— Ҳозирча йўқ.

— Керогаз келдими?

— Келгани йўқ.

— Керогазнинг пилигини қаердан топсам бўлади?

— Билмадим, бизда йўқ.

Ҳурматли газетхон, шаҳар магазинларида сиз шундай савол-жавобларни эшитиб юргансиз, ўзингиз ҳам шундай саволларни бирнеча бор такрорлаганингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Узглавунивермагнинг Тошкентдаги ихтисослаштирилган 3-нчи пойафзал магазинидаги таклифлар дафтаридаги қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«Икки ҳафтадан бери 26, 27, 28 размерли болалар оёқ кийимини қидирамач. Нима учун болаларнинг эҳтиёжлари тўғрисида қайғирмайсизлар, ҳурматли савдо ходимлари!» («Ташсельмаш» заводининг ходими).

«Ўртоқ администраторлар, ёмон ишлаяпсиз. 15 кундан бери магазинларга кириб болалар ботинкаси борми, деб сўрайман. Нуқул бир хилдаги «йўқ, ҳали келгани йўқ» деган жавобни оламан» (харидор).

Тошкентдаги саноат ва хўжалик моллари билан савдо қиладиган магазинларнинг таклифлар дафтарига кўз ташласангиз, ўнлаб меҳнаткашларнинг кишиларимиз ҳаёти учун энг зарур бўлган майда-чуйда хўжалик буюмларининг етишмаслигидан қилинган шикоятларини ўқийсиз.

Ҳақиқатан ҳам арзон чинни идишлар, қайчи, пичоқ, вилка, қошиқ (комплектсиз), қуюқ бўёқлар, электр ва чўян печьлар, самовар карнайи, ситадиган ва сочувтадиган вентиляторлар, электр холодильниклар, арзон ва сифатли стол, стул, диван каби мебеллар, турли хил электр симлари ва шнурлар, рулетка ва бошқа электр асбоблари, эркаклар носкиси учун подтяжка; 40, 41, 42 размерли арзон чарм туфлилар каби турмуш учун жуда зарур бўлган юзлаб хил нарсаларни шаҳар магазинларидан истаган вақтингизда топаолмайсиз.

Ма'лумки, кампирлар уйда бирор фойдали иш қилмасдан туролмайдилар. Кўпларн ўз болалари ва набираларининг кийим-кечагини тикиш, рўзғор буюмларини тузатиш билан шуғулланадилар. Лекин кўзлари ожизлик қилиб, игнага ип тақишда қийналишади. Уларга қулайлик туғдириш мақсадида конструкторларимиз осонлик билан игнага ип тақадиган асбоб ясаб берганлар. Бироқ, ана шу нарсани ҳозирги кунда шаҳар магазинларидан тополмай юрган кишилар жуда кўп. Шунингдек лезвие, 22 дан 30 гача размерли оёқ кийими, болалар, ёшлар, эркак ва аёллар кўн талаб қиладиган рангли чармлик ботинкалар, гусариклар, модель туфлилар, аёллар учун 38, 39, 40 размерли пахта пошна туфлилар топиш масаласи кўп вақтдан бери ҳаммани безовта қилиб келмоқда.

— Бу нарсаларни сўрайверинг, бизни зериктириб юборишади,—дейишади кўп магазин ходимлари.

Хўш, нега шундай аҳвол юз бермоқда? Техника ва саноатимиз юксалган, юзлаб йирик завод-фабрика ва комбинатлар мавжуд бўлган бир даврда юқоридаги каби майда-чуйда хўжалик буюмларининг етарли даражада эмаслигига сабаб нима, буларни кўпайтиришга имконият борми? Албатта бор! Лекин ана шу имкониятни воқеликка айлантиришда қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим министрлик ва главка раҳбарлари меҳнаткашларнинг кундан-кунга ўсиб бораётган талаблари билан ҳисоблашмаётирлар. Пойафзал ва кийим-кечак ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари планни ялпи маҳсулот бўйича бажарсаларда, ассортимент, размер ва рост кўрсаткичлари бўйича бажармаётирлар. Облместопромга қарашли айрим корхоналарда кўзбўямачилик ҳоллари ҳам юз бермоқда. Жумладан, кичик размерли ва паст ростли кийимларга ўзлари хоҳлаган размер ва рост ёзилган ярлыкни ёпиштириб, савдо ташкилотларига юборадилар, ёки планда белгиланган рост кўрсаткичларини бажармайдилар. Сталин номли артель 46 размерли украинка кўйлакларга 50-нчи размер деган ярлик ёпиштириб, универмагга топширган. Ўтган йилнинг 11 ойи ичида Ленин номли, Сталин номли, «Шарқ гули» артельларидан битта ҳам 3-нчи ростли тайёр кийим келмади.

Шу пайттача маҳаллий корхоналарда энг оддий буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмаган. Примус игнаси, ёғоч подразетка, болта, болға, белкурак, штопор, консерва очадиган пичоқлар,эшик халқаларн ва занжирлари каби хилма-хил оддий буюмларни областимиздаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаруви саноат корхоналарида тайёрлашга тўла имконият бор. Лекин шунга қарамай бу имкониятлар ишга солинмаётир. Натижада Главхозторгнинг Ўзбекистон базаси бундай буюмларни бошқа республикалардан келтиришга мажбур бўлмоқда. Бунинг учун қанча одам, қанча транспорт ва қанчадан-қанча қўшимча ҳаражатлар сарфланмоқда!

Мана бир мисол: ювилган кийимларни қуритиш учун ишлатиладиган ёғоч қисқичнинг бир донаси 27 тийин туради. Буни Тошкентдаги «Иттифоқ» артелида ва аравасозлик заводида ёғоч чиқиндиларидан истаган миқдорда тайёрлаш мумкин бўлгани ҳолда, улар Куйбишев областидан келтирилмоқда. Шунингдек, область аҳолиси учун Москва, Куйбишев, Минск каби областьлардан тоқ қайчи, турлихил пармалар, эшик пружинаси, дераза ва эшиклар қирғичи қоқиладиган угольниклар, спорт инвентарьлари каби кўп хил буюмлар ташиб келтирилмоқда. Тошкентда ясаса ҳам бўладиган бундай буюмларни ташиб келтириш учун давлатнинг миллион-миллион сўмлаб маблағи ноўрин сарфланмоқда.

Айрим корхоналар янги маҳсулот ўзлаштириш планини бажармайди, ҳатто ба'зилари сал қийинчиликка дуч келиб қолгудек бўлса, янги маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечади. Масалан, «Рекорд» артелида чўнтак фонарьлари учун гилоф тайёрланар эди. Бу гилофлар сифатсиз бўлгани учун бирнеча марта брак қилинди. Шу баҳона бўлдию, артель гилоф тайёрлашдан воз кечди. Ма'мурият унинг сифатини яхшилаш учун жиддий уриниб кўрмади.

Куйбишев райпромкомбинатида 1951—1953 йилларда электроплитка ишлаб чиқарилар эди. 1954 йилга келиб уни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Илгари Ленин райпромкомбинатида қаламтарош ишлаб чиқарилар эди, ҳозир бу ҳам чиқарилмайди. Бу корхоналарнинг раҳбарлари камчиликларни бартараф қилиш, хўжалик буюмлари тайёрловчи бошқа илғор корхоналарнинг иш тажрибаларини ўрганиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун курашмаётирлар. Бундай аҳволга главка ва министрлик раҳбарлари ҳам бефарқ қарамоқдалар.

Главхозторгнинг Ўзбекистон базаси юқоридаги каби камчиликларнинг олдини олиш мақсадида республикадаги, жумладан Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг қайси бирида маҳсулотнинг қандай турларини тайёрлаш мумкинлиги ҳақида Тошкент шаҳар савдо бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Мўминовга ёзма ҳужжат топширди ва бу ҳужжатни кўриб чиқиш учун шаҳар ижроия комитетига топширишни сўради. Ҳужжатда Октябрь райпромкомбинати 1955 йилда 50 минг дона умивальник, 25 минг дона хат ва газеталар ташлаш учун кўча эшигига ўрнатиладиган қути, аравасозлик заводи 160 минг дона болта, болға, белкурак дастаси, металлоширпотреб заводи 50 мингта эшик пружинаси тайёрлаши, умуман ҳаммаси бўлиб 59 хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Шу вақттача мазкур корхоналарнинг бирортаси ҳам бу нарсаларни тайёрламади. Чунки, Ўртоқ Мўминов бу ишларни уюштириш учун анча ҳаракат қилиши, «безовта бўлиши» керак эди. У, «оғримаган бошимни галвага қўйиб нима қиламан, бу нарсаларни бошқа жойлардан келтираверганимиз тинчроқ» деб Главхозторгнинг Ўзбекистон базаси бошқармасидан келган хатни жавобсиз қолдирди.

Республика Енгил саноат товарлари министрлиги. Тўқимачилик саноат товарлари министрлиги, Маҳаллий ва ёқилғи саноат министрлиги раҳбарлари механизаторларнинг талаб ва эҳтиёжларини зийраклик билан ҳисобга олиш ҳамда бу талабларни кўпроқ қондириш тўғрисида кам қайғирмоқдалар. Улар главка, трест ва корхона раҳбарларининг хўжалик фаолияти билан ҳамон юзаки шуғулланмоқдалар, давлат планларининг ҳарбир корхона ва трестда ҳамма кўрсаткичлар бўйича тўла-тўкис бажарилишини та'минлаш, маҳсулот ассортиментини кўпайтириш, аҳоли учун зарур бўлган буюмларни кўплаб тайёрлаш масалалари билан кам қизиқмоқдалар.

Областимиздаги савдо ташкилотларининг ҳозирги кунининг юксак талаблар даражасида ишламаётганлиги тўғрисида жуда кўп марта гапирилди. Бироқ шунга қарамай, мавжуд камчиликлар ҳамон давом этиб келмоқда. Айниқса, молни магазинларга тақсимлаш ва тарқатишда, савдони уюштиришда содир бўлаётган жиддий камчиликлар нормал, маданий савдони ривожлантиришга катта тўсқинлик қилмоқда. Айрим главка ва трестлар магазинларга планлаштирилган молни белгиланган графикда етказиб бермайдилар. Ойнинг дастлабки икки ўнкунлигида мол жуда кам берилади. Айрим магазин мудирлари ойлик нормани олиш учун 4—5 марта ўрнига 10—15 марта базага қатнаб, шунда ҳам истаган молларини ололмай қайтадилар. Узглавунивермагнинг Тошкентдаги 3-нчи пойафзал магазини мудири Главобувторг базасига ҳар ойда 20—25 марталаб қатнайди. Шунда ҳам магазинда тугаган пойафзалдан 100 пар бериша, тахланиб ётганидан 150—200 пар беришади. «Чидасангиз шу, хоҳламасангиз ҳаммасини олмай кетаверинг» дейишди база бошлиқлари. Мол тақсимлашнинг бундай «принципи» шаҳарнинг бир чеккасида бир хил молнинг йиллаб тахланиб ётишига ва иккинчи бир жойдаги магазинда эса худди шу нарсага нисбатан танқислик юз беришига сабаб бўлмоқда.

Савдо ташкилотлари ишидаги бундай камчиликлардан Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги раҳбарларининг (министр Ўртоқ Зиёмов) хабари йўқ дейсизми? Бор, албатта. Лекин бу камчиликларни тугатиш учун министрлик қат'ий ҳаракат қилмаётир.

Коммунистик жамият қурилишининг турли участкаларида жонбозлик билан курашаётган совет кишилари тегишли корхона, трест, главка ва министрлик раҳбарларидан областимизнинг ҳамма ерига кенг истеъмол буюмларининг кўплаб етказиб берилишини талаб қиладилар. Бу талабларни қондириш учун барча имкониятлар мавжуд.

З. ИСРОИЛОВ,
Ҳ. НАЗИРОВ.

Ер ҳайдаш ишлари намунали ўтказилаётир

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС коллективи жонажон партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини ҳарқачонгидан ҳам қизитиб юбордилар. Улар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида ер ҳайдаш ишларига уюшқоқлик билан киришиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Трактордар сифатли ремонт қилинганлиги, механизаторлар иши устидан контрольнинг ўрнатилганлиги ҳайдов тракторларининг бетўхтов ишлашини таъминламоқда.

МТС хизмат қилаётган 9 та пахтакор колхозда 30 дан ортиқ ҳайдов трактори нормал ишламоқда. Айниқса «Ҳақиқат» колхозида хизмат қилаётган коммунист ўртоқ Қурбат Содиқов бошлиқ трактор бригадасида ер ҳайдаш ишлари яхши ташкил этилган. Бригада механизаторлари мавжуд 5 ҳайдов тракторини сифатли ремонтдан чиқариб, уларнинг бетўхтов ишлашини таъмин этмоқдалар. Тракторчи ўртоқ Э. Раҳимов ўзининг С — 80 тракторидан тўла ва унумли фойдаланиб, 200 гектардан ортиқ ерни сифатли ҳайдовдан чиқарди. Шунингдек ўртоқ А. Исматов ўзининг НАТИ трактори билан 200 гектардан ортиқ ерни ҳайдаб берди.

Ўртоқ Қ. Содиқов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари фидокорона меҳнат қилиб, «Ҳақиқат» колхозининг 630 гектар пахта майдонини, 150 гектардан ортиқ беданоя, полиз экинлари майдонини ҳамда 100 гектардан ортиқ кўриқ ерни ҳайдаб, барча колхоз аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Шунингдек, «Ленинизм» колхозида ҳам ер ҳайдаш ишлари қизитиб юборилди. Ҳозир колхоз правлениеси шўр ерларни ювиш мақсадида ўртоқ Кўчимов раҳбарлигида 20 киши ажратди. Улар фидокорона меҳнат қилиб, 110 гектардан ортиқ ерда пол олиб шўр ювиш ишларини сифатли ўтказмоқдалар.

Э. РАҲМОНОВ,
А. МУҲАМЕДОВ.

Кўплаб маҳаллий ўғит тайёрланмоқда

Шу кунларда Чиноз районидаги Боровшилов номли колхозга борган киши колхоз аъзоларининг гайрат билан меҳнат қилаётганликларини кўриб беҳад ҳурсанд бўлади. Колхоз аъзолари МТС механизаторларига яқиндан ёрдам бериб, мавжуд пахта майдонларига минерал ва маҳаллий ўғит солиб, ернинг сифатли шудгорланишига эришдилар.

Ҳозир колхоз аъзолари ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга ўғит чиқариш ишларини қизитиб юборидлар. Колхоз правлениеси далаларга ўғитни ўз вақтида ташиб олиш учун 3 автомашина, 17 арава ажратиб, шофер ва аравакашларга маданий-маиший шароит яратиб берди.

Шунингдек колхозда шўр ерларни ювиш, янги ерларни ўзлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

М. УСТАБОБОЕВ,
А. ТОҒАЕВ.

Богдорчилик ривожланмоқда

Верхне-волинск районидаги М. Горький номли колхоз аъзолари пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам, айниқса богдорчиликни ривожлантиришга зўр эътибор бермоқдалар.

Колхозда ҳозиргача 7 гектар токзор, 10 гектар олмазор ва 8 гектар ер тутзор қилинган эди. Бу боғлардан Қ. Мурадденов бошлиқ бригадаси яхши парвариш қилиш натижасида йилдан-йилга мўл ҳосил олинмоқда. Колхоз ўтган йил ток ҳосилининг ўзидан 200 минг сўм даромад қилди.

Бундан ташқари колхоз соҳибкорлари яна қўшимча 3 гектар ерга ток қаламчалари ва 10 гектар ерга ҳархил мевали дарахт кўчатлари ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

А. НАБИХУЖЕВ

Далаларимизда зарарли ҳашарот бўлмасин

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Партия ва ҳукуматимизнинг янги суғориш усулига ўтиш, колхозларни йириклаштириш, дала карталарини яхлитлаштириш, тут кўчатларини алоҳида майдонларга ўтказиш, беда-ўт аралашлаб экишни жорий қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, иқота дарахтзорлари барпо қилиш тўғрисидаги қарорларнинг амалга ошириш пахта, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини янада оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга бу тадбирлар ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Ғўзанинг энг оғир касалликларидан бири сўлиш вилт касаллиги асосан далада қолиб кетган ғўзапоя ва илдизлар орқали тарқалади. Бу касалликни тарқатмаслик учун шу кунларда далада қолган ғўзапояларни йиғиштираётган вақтда уларни илдизи билан қўпориб, битта ҳам чўпини қолдирмасдан даладан ташиб олиш керак. Акс ҳолда далада бир туп ғўзапоя ёки унинг илдизи қолиб кетгундай бўлса бу орқали келгуси йилда ғўза такрор сўлиш касаллиги билан оғриши мумкин. Одатда ғўзанинг сўлиш касаллигини дори--дармон ёки агротехника тадбирларини қўлланиш билан йўқотиш жуда қийин. Шунинг учун бу касалликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар куз ва қиш даврларида ўтказилиши шарт.

Ғўзанинг ёвуз зараркунандаларидан ўргимчаккана ва пахта шираси тухумлари ҳам энг кўп далада қолиб кетган ғўзапояларда қишлаб чиқади. Агар ғўзапоялар шу кунларда йиғиштирилиб даладан чиқазилмаса келгуси йилда ўргимчаккана ва ширанинг ҳам кўплаб тарқалиши мумкин. Шунинг учун далада мутлақо ғўзапоя қолдирмаслик зарур.

Зараркунандаларнинг тухумлари ва касаллик юқумлари фақат ғўзапоядагина эмас, балки бошқа ўсимликлар қолдиқларида, шунингдек ворохочистительда чувилган кўракларининг чиқитларида ҳам сақланиб қолади. Келгусида экинда касаллик ва зараркунандаларнинг тарқалмаслиги учун далалардаги ғўзадан бошқа ўсимлик қолдиклари, бегона ўтлар, шунингдек кўрак чиқитларини ҳам битта қўймасдан йиғиштириб олиш, айрим ҳолларда уларни кўмиб ташлаш ёки ёндириб юбориш керак.

Бундан ташқари далалардаги ўват, марза, йўл, ариқ ёқаларн ва бошқалардаги бегона ўтларни қириб ташлаш, кейиндан уларнинг ўрнини кетмон билан чопиш ёки иложи бўлса трактор билан ҳайдаб юбориш керак. Бу ҳолда бегона ўтларнинг илдизлари ўлади, шу билан бирга қириб ташланган бегона ўтлардаги зараркунанда тухумлари ўлиб кетади.

Кўпгина зараркунандаларнинг тухумлари, ғумбакларн ва қуртлари тут ва бошқа дарахтларнинг каллаклари, пўстлоқ оралари ва кавакларида яшайди. Далалаги тадбирларни амалга ошириш билан бирга дарахтларнинг қуриган пўстлоқларини қириб олиш, каллакларини тозалаш, кавакларни бекитиш, шу билан бирга танасини 20 процентли оҳак билан оқлаш ҳам зарур. Дарахтлардан олинган, қуриган пўстлоқ, шох-шаббаларни тезда далдан чиқариб, ёқиб юбориш керак.

Зараркунанда ва касалликларга қарши курашдаги энг муҳим тадбирларнинг бири ерларни кузда шудгорлаб қўйишдир. Шудгорлашда ерларнинг чуқур ағдариб ҳайдалиши натижасида тупроқнинг унумдорлиги ошиши билан бирга ўргимчаккана пахта, беда тунламлари, ширa, трипс, карадрин каби зараркунандаларнинг тупроқдаги яшаш шароити ноқулайлашади. Улар қишнинг совуғи ва бошқа ноқулай та'сирлар натижасида кўплаб қирилиб кетадилар. Шунингдек шудгорлаш натижасида гоммоз ва сўлиш каби касалликлар-ғумбакларн ҳам ноқулай шароитда қолиб йўқ бўлиб кетадилар.

Ер ағдариб ҳайдалганда зараркунандаларнинг ғумбакларн, қуртлари босилиб, эзилиб, янчилиб ҳалок бўлади. Тирик қолганлари ер бетига чиқиб қолиб, уларнинг энг кўпини қушлар териб ейди ва қисман қолганларини совуқ ўлдиради.

Шудгорлашда турли бегона ўтларнинг илдизлари ер бетига чиқиб қолади, иссиқ ва совуқ та'сирида улар чиришди. Натижада биринчидан, далада бу ўтлар камайса, иккинчидан, уларнинг чирнган қолдиқлари тупроққа қоришиб, ер унумдорлигининг ошишига ёрдам беради. Ағдариб ҳайдаш натижасида ер бетидаги бегона ўт уруғлари ер остига тушади ва унинг шароитидан махрум бўлиб кейиндан кўкариб чиқаолмайди. Шундай қилиб, ер сифатли шудгорланса далада бегона ўтлар анча камаяди, экин ҳосили ошади.

Зараркунанда ва касалликларга қарни курашда яхоб бериш ҳам катта аҳамиятга эга. Яхоб берилганда даладаги ўсимлик қолдиқлари тез чирийди, зараркунандалар музлаб ҳалок бўлади. Суғориш натижасида тупроқ бирмунча зичлашиб зараркунандаларнинг йўлларини бузиб юборади. Натижада улар ер бетига чиқаолмасдан ҳалок бўлади.

Кузда 2 йиллик ва 3 йиллик беданояларни ҳам чимқирқари бўлмаган плуглар билан 25 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйиш лозим. Бу тадбир амалга оширилиши билан беданоялардаги зарпечаклар манбаи йўқотилади, беда барг филчаси, беда канаси ва бошқа зараркунандалар, касаллик ғумбаклари, шунингдек бегона ўтлар анча камаяди, келгуси йилда беданинг хашак ва уруғ ҳосили мўл бўлади.

Кўпгина пахта майдонлари атрофида ҳархил дарахтзорлар, боғ ва токзорлар бор. Қишлоқ хўжалик экинларининг кўпгина зараркунандалари қишни анашу боғларда ўтказиб, баҳорда ғўза ва бошқа экинзорларга ўтадилар. Шунинг учун зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирларини боғларда ҳам амалга ошириш керак. Боғларни ҳам тўкилган барглардан, бегона ўт қолдиқларидан тозалаш, дарахтларнинг қуриган ва касал шохларини бутаб ташқарига олиб чиқиш, дарахтларда пайдо бўлган кавакларни, шилинган — шикастланган пўстлоқларни тозалаш ва дезинфекциялаш зарур. Бундан ташқари боғ қатор ораларини ҳайдаш, ҳайдаш мумкин бўлмаган дарахт туплари атрофини кетмон, бел билан чопиб юмшатиш лозим.

Колхозларимиз зараркунанда ва касалликларга қарши зарур бўлган тадбирларни ўз вақтида ва тўла амалга оширганларида экинларни ва улар ҳосилини сақлаб қолиш учун мустаҳкам замин яратадилар. Бу тадбирлар зараркунандаларни энг кўп ва ҳатто тамомила йўқотиб юборишни та'мин этади. Натижада экинлар ўсув даврида зараркунанда ва касалликларга қарши курашда сарф этиладиган меҳнат, маблағ ва ҳоказолар анча тежалади. Экинлар сифатли парвариш қилиниб, мўл ҳосил та'мин этилади.

Кўпгина илғор колхозларимиз зараркунанда ва касалликларга қарши курашни куздан бошлаб, экинларни ва уларнинг ҳосилини сақлаб қолишда катта ютуқларга эришаётирлар. Ўртасарой районидаги Свердлов номли, «Северний маяк», «Полярная звезда» колхозлари, Янгийўл районидаги Сталин номли, Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли ва бошқа кўпгина колхозлар зараркунанда ва касалликларга қарши курашни айниқса яхши уюштириб, экинлардан йилсайин мўл ҳосил етиштириб келаётирлар. Бу колхозларда кузги ишлар планида ўсимликни сақлаш тадбирлари алоҳида ўринда туради. Улар ҳозирги кунларда профилактик тадбирларни қунт билан амалга оширмоқдалар.

Областимиз колхозлари, совхоз ва МТС-лари экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун зараркунанда ва касалликларга қарши курашда шу кунларда қилинадиган барча тадбирларни амалга оширишлари керак.

С. БОНДАРЕНКО.
А. БОБОЖОНОВ.

Колхоз қишлоғининг маданияти юксалмоқда

Пахтадан йил сайин олинаётган мўл ҳосил Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз аъзоларига катта даромад келтирмоқда. Колхоз қишлоғи обод, колхозчиларнинг турмуши тобора фаровон ва маданий бўлиб бормоқда. Сўнгги уч йил мобайнида 200 колхозчи типовой уй-жой қуриб олди. Колхознинг иккита участкасида ҳарбирига 500 дан ортиқ киши сиғадиган клуб биноси қурилиб ишга туширилди. Ҳар иккала клуб ҳузурида кутубхона бор. Колхоз правлениеси қишлоқ механизаторларининг ўғил-қизлари учун ўрта мактаб биноси қуриб бермоқда. Бу бино 1956 йил сентябрьда ишга туширилади.

Колхозда ишлаб турган кучли радиоузел пахтакорларнинг маданий дам олишларига хизмат қилаётир. 1050 хонадоннинг ҳаммасига радиоточкалари туширилди ва Ильич нурлари билан ёритилди. Радиоузел орқали ҳар куни эрталаб соат 6 дан кеч соат 11 гача партия ва ҳукуматимизнинг муҳим қарорлари, колхоз янгиликлари, халқаро аҳвол ва бошқа темаларда суҳбатлар эшитдирилади. Узел бошлиғи В. Мухитдинов бадиий эшиттиришларга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Колхозчилар узелдан пленкага ёзиб олинган халқ куйларидан концерт ва «Юрак сирлари», «Оғриқ тишлар», «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон», «Навоий» каби спектакльлардан парчалар эшитиб турадилар. Район маданият бўлими бу ерга тез-тез кўчма киноустановка юбориб туради.

Марказий клуб ҳузурида ташкил қилинган радио, шахмат-шашка, бадиий ҳаваскорлар тўгараги машғулотларига колхоз ёшлари актив иштирок этмоқдалар. Колхозда уч жойда санитария постлари ташкил қилинган. Санитария пости хизматчилари қишлоқ аҳолисининг соғлигини сақлаш учун санитария-профилактик тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Маленков номли қишлоқ хўжалик артели правлениеси ва партия ташкилоти колхоз қишлоғини обод қилиш, колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савияларини ошириш учун қатор тадбирларни амалга ошираётирлар.

Х. УЗОҚОВ.

Дастлабки қадам

Тошкентдаги М. Горький номли 5-нчи ўрта мактабда политехника та'лими бирмунча яхши йўлга қўйилган. Бу ерда механика устахонаси ташкил этилиб, у автомобиль деталлари, мотор ва бошқа кўпгина ускуналар билан та'минланган. Устахона деворларига автомобиль ва бошқа электр аппаратларининг расмли схемаси осиб қўйилган.

Устахонадаги бу, асбоб-ускуналар политехника ўқиши бўйича программада кўрсатилган машғулотларни нормал ўтказиш имкониятини бермоқда. Ўқитувчи О. Косирев ўқувчиларда практик малака ҳосил қилиш билан бирга уларни илғор совет техникасининг янги ютуқлари билан ҳам таништирмоқда.

Мактабнинг 8-нчи синф ўқувчилари автомобильнинг тузилишини, 9-нчи синф ўқувчилари ичдан ёнар двигательнинг ишлаш принципини, 10-нчи синф ўқувчилари эса электротехника ишларини ўрганмоқдалар. 10-нчи синф ўқувчиларидан М. Мирзараҳимова, Х. Қодирхўжаева, З. Абдуқодирова ва 9-нчи синф ўқувчиларидан Б. Усмонов, С. Ғуломова, П. Усмоновлар амалий машғулотларни яхши ўзлаштирмоқдалар.

Т. АЛИЕВА.

Медицинада алкалоидлар турли касалликларни даволашда актив модда сифатида ишлатилади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг профессори С. Юнусов раҳбарлик қилаётган алкалоидлар химияси лабораториясининг илмий ходимлари Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларидаги ёввойи ўсимликлардан янги хил алкалоидлар олиш устида катта илмий-текшириш ишлари қилмоқдалар. **Суратда:** илмий ходим **С. Акрамов** ва химия фанлари кандидати **Т. Йўлдошев** ўртоқлар алкалоидларни ажратиш устида ишламоқдалар.

А. Аверьянов фотоси.

Ижодий ҳамкорлик

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг асосий кутубхонаси ҳар куни ўнларча мактуб, бандероль ва посилкалар олиб туради.

Мана Эстония ССР гидрометеорология хизмати бошқармасидан келган мактуб. Унда кутубхона ходимларидан университет профессори А. Н. Бабушкининг «Метеорологик факторлар ва ўсимлик» номли китобини юбориш сўралади.

Ўрта Осиё Давлат университети профессорлари, ўқитувчилари ва студентларининг илмий асарлари ва китоблари фақат бизнинг мамлакатимиздаги университет ва институтларгагина эмас, балки четэллардаги университетлар ва институтларга ҳам юборилиб турилади.

Фақат сўнгги икки ой мобайнида бу ердан турли илмий муассасалар ва ўқув юртлари номига тошкентли профессор Н. Л. Корженевскийнинг «Олтой чўққиларидаги шимолий ёнбағир муаликлари», доцент, филология фанлари кандидати В. Н. Морозовнинг «Логиканинг муҳим масалалари» китоблари, «1936—1951 йилларда Ўзбекистонда ёқланган докторлик ва кандидатлик диссертацияларининг кўрсаткичи», «1715—1856 йиллар орасида Ўрта Осиёга ўтказилган рус саёҳатлари ва экскурсияларининг обзори», «Юридик институтининг илмий ёзишмалари» ва бошқа асарлар жўнатилди.

В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кутубхонаси В. И. Морозовнинг «Логиканинг муҳим масалалари» номли китобини юборишни илтимос қилган. Университет ўқитувчилари томонидан ёзилган философия ва тарихга доир бирқатор илмий асарлар Давлат тарихи кутубхонасига юборилган.

Мана иккинчи бир мактуб. Бунда И. И. Мечников номидаги Одесса Давлат университети илмий кутубхонасининг ходимлари юборилган китоблар учун ташаккур изҳор қилганлар. Кўпдан бери давом этиб келаётган дўстлик ҳар икки кутубхона коллективини бир-бирига гоят даражада яқинлаштирган. Улар янги китобларни ўзаро алмаштирадилар, китобхонлар билан ишларда ортдирган тажрибаларини ҳаммавақт ўртоқлашадилар, ёзишмаларда кутубхоналарда тез-тез ўтказилаётган конференциялар, мунозара ва суҳбатлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Университет профессорлари ва ўқитувчиларининг китоб ва асарларини Исна шаҳридаги (Германия Демократик Республикаси) Фридрих Шиллер номли, Берлиндаги Гумбольдт номли, Польшанинг Люблин шаҳридаги Мария Кюри номли университетларида, Норвегиянинг Осло шаҳридаги университетида, Португалияда, Японияндаги Киимбра университетида, Киота шаҳрининг қишлоқ хўжалик институтида, Мексикада, Аргентинада ўқимоқдалар.

Ҳинд олимларининг илтимосига мувофиқ, Ҳиндистонга, Калькутта шаҳрига Тошкентдан университет олимларининг зоология масалаларига доир янги асарлари юборилди. Америка конгрессининг Вашингтон шаҳридаги кутубхонаси Ўрта Осиё Давлат университетининг сўнгги илмий ишлари ва бюллетеньларини юборишни сўрайди.

Ўрта Осиё Давлат университетининг асосий кутубхонаси ўз навбатида мамлакатимиздаги кўпгина ўқув юртларининг илмий асарларидан фойдаланмоқда. Масалан, асосий кутубхона Т. Г. Шевченко номидаги Киев Давлат университетидан украин олимларининг бирқанча асарлар тўпламларини олди. Булар орасида «Антик философия бўйича асарлар тўплами», «Органик химия назарияси бўйича очерклар» ва бошқа асарлар бор.

Университет кутубхонаси 1955 йилнинг ўзидагина турли илмий муассасалар, университет ва институтларга ҳаммаси бўлиб 70 номдан ортиқ 5 мингдан кўпроқ китоб юборган ва 50 номдан ортиқ 2 мингга яқин китоб олган.

— Университет профессорлари ва ўқитувчиларининг асарлари, — дейди Ўрта Осиё Давлат университети асосий кутубхонаси китоб алмашиш секторининг ходими Ўртоқ И. Гулкова, — бутун дунёга тарқалмоқда. Уларни Хитой, Англия, Америка, Австралия олимлари ўқимоқдалар.

Бу китоб алмашиш университет ўқитувчилари ва студентларига фақат совет олимларингина эмас, балки четэл мамлакатлари олимларининг ҳам илмий кашфиётлари ва асарлари билан чуқурроқ танишишда катта ёрдам бермоқда.

С. БЕЛКИНА.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Радиоузел ёмон ишламоқда

Ҳаётимиздаги янгиликларни оммага етказишда, саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторларининг илғор иш тажрибаларини пропаганда қилишда вақтли матбуот билан бирга радионинг ҳам аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз шаҳар ҳамда қишлоқларни радиолаштиришга доимо жиддий эътибор бериб келмоқдалар.

Шунга қарамай, Чиноз район маданият бўлими радиоэшиттириш ишига ўтакетган даражада совуққонлик билан қарамоқда. Район марказидаги катта радиоузел бирнеча колхозга, МТС ва пахта тозалаш заводи ишчиларига хизмат кўрсатиши керак. Бу узел орқали онда-сонда олиб берилаётган эшиттиришлар мутлақо талабга жавоб бермайди.

Радиоузел кейинги вақтларда суткасига 3 — 4 соатгина ишламоқда, холос. Бунинг устига эшиттиришлар тез-тез бўлиниб туради, баъзан соат 9 бўлмасданоқ ўчиб қолади. Шунингдек, чорвачорлар учун аталган эшиттиришлар узел орқали олиб берилмаётир. Яқинда Ҳамза номли театр артистлари ижросида эшиттирилаётган «Қароқчилар» пьесаси энди бошланган ҳам эдики, бирдан репродукторлар жимиб қолди. Москвадан эса ҳечқандай ахборот олиб эшиттирилмайди.

Радиоузел бошлиғи ўртоқ Майсур ўз вазифасини мутлақо қониқарсиз бажармоқда ва ўзбошимчалик қилиб радиоэшиттиришни эгасизлантириб қўймоқда. Шуниси ажабланарлики, радиоузелнинг ёмон ишлаётгани тўғрисидаги фактлар район маданият бўлимининг мудири ўртоқ Худойберганова ҳам анчадан бери маълум. Бироқ у нима учундир узел ишини яхшилаш чораларини кўрмаётир.

Район механиклари марказий радиоузел ишини тез кунда яхшилашни қатъий талаб қилмоқдалар.

С. ҲАМРОЕВ,
Яллама қишлоқ Советидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилайлик"

Шу сарлавҳа билан газетанинг ўтган йил 5 октябрь сонида босилган мақолада Янгийўл шаҳридаги кино-театрлар, ошхона, чойхона ва бошқа маданий-маиший муассасаларнинг меҳнаткашларга ёмон хизмат қилаётгани танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитетидан редакцияга хабар қилинишича, текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Шаҳар ижроия комитети мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳамда маданият ва савдо бўлимлари фаолиятини яхшилаш учун бирқанча тадбирларни белгилаб чиққан.

„Болалар кийим-кечаклари билан савдо қилиш яхшилансин"

Газетамизнинг 1955 йил 18 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан чиққан материалда Калинин районидаги магазинларда болалар ботинкаси ва туфлиси топилмаслиги кўрсатилган. район матлубот союзи ва район савдо бўлимининг раҳбарлари болалар оёқ кийимларининг йўқлигини билсалар ҳам ҳечқандай чора кўрмай келаётганликлари танқид қилинган эди. Тошкент область матлубот союзи савдо Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жихаревнинг редакцияга хабар қилишича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тўғри деб топилган. Область матлубот союзи «Главобувторг» билан келишиб, болалар ботинкаси ва туфлисини кўпайтириш тадбирларини кўрган ҳамда тез вақт ичида магазинларга келтириб сотишни Калинин район матлубот союзига топширган.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантирамиз

Сирдар'ё районидаги «XVIII партконференция» колхозининг раиси ўртоқ И. БЕЗДЕТНИЙ билан суҳбат

КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилди. Колхозимиз аъзолари шу қарорлардан гоят илҳомланиб, хўжалигини ҳартомонлама ривожлантириш учун фидокорона курашдилар. Натижада биз 1955 йилда катта ютуқларга эришдик.

Колхозимиз ишлабчиқаришдаги етакчи тармоқ бўлган пахтачилик, шу билан бирга чорвачилик, богдорчилик, сабзавот-полизчилик ҳам ривожлантирилмоқда.

Биз 1955 хўжалик йилини қувонч билан якунлаб, ютуқларимизни бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, албатта, бу ютуқларни мустаҳкамлаш, хўжаликни янада юксалтириш учун амалий режалар тузатирмиз. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигига жавобан мамлакатга кўплаб пахта ҳосили ва чорвачилик маҳсулоти етиштириб бериш учун курашамиз.

1954 йилда колхозимиз пахта планини бажараолмаган эди. Биз унинг сабабларини ўргандик, биринчи галда 1955 йилги ҳосил учун пухта замин тайёрлаб, кузда 850 гектар пахта майдонимизни сифатли шудгор қилдик, ерни ҳайдашдан олдин ўғитлаб қўйдик. Пахтачилик масалалари юзасидан 1954 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда Тожикистон пахтакорларининг пахта етиштиришда қўллаган янги усули ма'қулланди ва кенгаш Мурожаатида бу усулни ҳамма хўжаликларда қўллаш тавсия этилди. Колхозимиз аъзолари ҳам кенгаш Мурожаатини гоят хурсандчилик билан қабул қилдилар ва ўтган йилнинг ўзидаёқ 540 гектар майдонга чигитни 60х45, 45х45 схемаларида уялаб, 310 гектар ерга тор қаторлаб экилдар. Асосий майдонларда ғўза қаторлари машиналар билан икки томонлама ишланди. Бу эса ғўза парваришидаги асосий ишларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш айниқса культивация, ўғитлаш ишларини сифатли олиб бориш имконини берди.

Ўтган йил ғўзани суғоришда ҳам анча ўзгариш қилдик. Ҳар йили ғўза райондан юборилган графикка амал қилган ҳолда суғорилар эди. Бунда ўсимликнинг тоби, сувга бўлган талабини ҳисобга олмасликка мажбур бўлардик. Ғўзани баъзан ортиқча суғорар эдик, баъзан эса чанқатиб қўяр эдик. Натижада ғўза нормал ривожланмасдан ҳосил камаяр эди.

1955 йили дастлаб чигит экишгача ерда етарли нам тўпладик, натижада асосий майдонларда ғўзани шоналашгача суғормаслик мумкин бўлди. Усимлик дастлабки даврда нормал ўсиб ривожланди. Кейинги даврларда ҳам ҳарбир картанинг шароити ва ўсимликнинг талаби э'тиборга олиниб, ғўзага ўз вақтида сув берилди. Сувдан фойдаланиш тартибга солинганлиги учун, ғўзалар қондириб суғорилиши билан бирга сув исроф бўлмади. 1954 йилга нисбатан сув ҳаражатларидан 35700 сўм тежалди.

Янги агротехникани қўлланиш туфайли ғўзалар тез, нормал ривожланди, мўл ҳосил тўплади, ҳосил эрта етилиб, сентябрь—октябрь ойларида пахта қийғос очилиб кетди. Натижада ҳосилни барвақт йиғиб олиш мумкин бўлди. Ўтган йил даладага 850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнер ўрнига 26,2 центнердан ҳосил топширилиб планни ортиги билан бажардик. Янги усулни эгаллаш билан амалга оширган айрим бригада-звено а'золари айниқса мўл ҳосил етиштирдилар. И. Мусофирова, М. Ашурматов ўртоқлар бешлиқ бригадаларда ҳар гектар майдондан 36—39 центнердан ҳосил олинди.

Илғор бригада-звенолар тажрибаси бизда ҳосилни ошириш, давлатга янада кўп пахта бериш учун барча имконият борлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз 1956 йилда бригада ва звеноларимизнинг ҳаммасида ҳам мўл ҳосил етиштириш тадбирларини кўраётирмиз.

Колхозимизда бу йил пахта майдонни яна 100 гектарга кенгайтирилади. Бунинг учун янгидан 300 гектар ерни ўзлаштиришга қарор қилдик. Мавжуд майдонларимизда пахта-беда алмашлаб экишни тўла жорий қиламиз.

Колхозимиз а'золари механизаторлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб ғўзапоя юлиш, шудгор қилиш ишларини ўз вақтида сифатли бажардилар. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 250 килограммдан фосфорли ўғит ва ернинг кучига қараб 5 — 10 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Янги ерлардан ҳам 150 гектар ҳайдаб қўйилди. Бу ерларда 3 километр узунликда зовурлар қазидик. Бу соҳадаги оғир ишларимизни бажаришда 2-нчи МТСнинг Г. Котиков ва Д. Мусофиров ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механизаторлари катта ёрдам бердилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорини амалга ошириб, чорвачилик соҳасида ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритдик. 1955 йил учун тузилган чорвачиликни ривожлантириш плани барча турлар бўйича ошиги билан бажарилди. Чорва маҳсулотларини кўпайтиришда ҳам анчагина ўзгариш бўлди. Масалан, 1954 йилда ҳарбир соғин сигирдан 1100 литрдан сут олинган бўлса, ўтган йили сигирларни қўлда, хилма-хил озиқалар билан боқиб, уларнинг ҳарбиридан ўртача 1550 килограммдан сут соғиб олдик. Мария Кормизина, Мария Молева каби илғор сут соғувчиларимиз ўзларига бириктирилган ҳарбир сигирдан 2900—3000 литргача сут соғиб олдилар.

1954 йилда 100 та сигирдан 72 та бузоқ олинган бўлса, бу йил 100 сигирдан 98 бузоқ олиниб, ҳаммаси сақлаб қолинди. Тажрибали бузоқ боқувчи ўртоқ Ксиня Мартененко парвариш қилаётган 30 та бузоқнинг тирик вазни ҳар куни ўртача 600 граммдан ошди, ҳамма бузоқлар соғлом ўсмоқда.

Колхозимизда чўчқачилик фермаси ҳам бор. Бу фермада ҳозир пландаги 140 ўрнига 150 чўчқа боқилмоқда. Ўртоқ А. Арбузов боқаётган 13 она чўчқа 12 ўрнига 16 тадан бола туғди.

Колхозимиз ўз фермасидан 200 дан ошиқ чўчқа боласини қўшни колхозларга сотди. Давлатга гўшт мажбуриятига топшириш учун 40 чўчқани семиртириб боқаётирмиз.

Колхозимизда паррандалар сони кўпайиб 1330 га етди. 1954 йили ҳарбир товуқдан 80 тадан тухум олинган эди, 1955 йилда 96 га етказилди.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш ем-хашак базасини мустаҳкамлашга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам 1955 йилда ем-хашак базасини мустаҳкамлашга айниқса катта э'тибор бердик. Мол қишловига 1200 тонна қуруқ беда, 1000 тонна силос, 585 тонна лавлаги тайёрладик. Бу 1954 йилдагига қараганда 2—2,5 баравар ошиқдир.

Колхознинг 30 гектар токзор боғидан ҳам ҳар йили мўл ҳосил олмоқдамиз. 1955 йилда 1700 центнер узум олдик. 50 гектар сабзавот-полиз майдонида ҳам мўл ҳосил етиштирдик.

1954 йилда умумий даромадимиз 9 миллион 200 минг сўм бўлса, 1955 йилда даромадимиз 10,5 миллион сўмга етди. Асосий даромад пахтадан олинди. Чорвачиликдан бўлса 600 минг сўм, узумчиликдан 1,5 миллион сўм, сабзавот-полизчиликдан 500 минг сўм даромад қилинди.

1954 йилда ҳарбир меҳнат кунига 11 сўм 50 тийин пул, 2 килограммдан галла тақсимланган бўлса 1955 йилда 15 сўм пул, 2,5 килограммдан галла тақсимлаш мўлжалланмоқда.

Колхозимиз а'золари бу ютуқлар билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар бундан кейин ҳам хўжаликнинг барча тармоқларини кенг суратда ривожлантириб, севикли она-Ватанимизга тобора кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берадилар.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БЕРЛИНДА БЎЛИШИ

БЕРЛИН, 4 январь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги байрамида қатнашиш учун Берлинга келган совет делегацияси—делегация раҳбари СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов ва делегация а'золари Н. Н. Поспелов, О. В. Куусинен, Е. Д. Стасова ва Г. М. Пушкин бугун Германия тарихи музейини бориб кўрдилар. Улар бу музейда ГДР Президенти Вильгельм Пикнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган виставкани ҳамда Маркс ва Фридрих Энгельснинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган виставкани тамошо қилдилар.

Германия тарихи музейининг директори профессор А. Мейзель ва музей ходими Г. Тиле совет делегацияси билан бирга бўлдилар ва уларга изоҳ бериб турдилар.

Музей тамоша қилинганидан кейин совет делегациясининг раҳбари К. Е. Ворошилов виставкани кўриб чиқиш имкони берилганлиги учун музей ходимларига ташаккур изҳор қилди ва виставка яхши ташкил қилинганлигини айтди.

Совет делегацияси Берлин шаҳрининг Панков районида совет жангчилари ҳайкали ёнига гулчамбар қўйди

БЕРЛИН, 4 январь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги байрамида қатнашиш учун Берлинга келган совет делегацияси—делегация раҳбари СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов ва делегация а'золари Н. Н. Поспелов, О. В. Куусинен, Е. Д. Стасова, Г. М. Пушкин бугун Берлин шаҳрининг Панков районида совет жангчилари ҳайкали ёнига гулчамбар қўйдилар.

СССР ва Хитой Халқ Республикасининг граждан авиацияси соҳасида техника ҳамкорлиги тўғрисида битим

1956 йил 4 январьда Москвада СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти бош бошқармаси билан Хитой Халқ Республикаси Граждан ҳаво флоти бошқармаси ўртасида граждан авиацияси соҳасида техника ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди.

Битимни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти бош бошқармасининг бошлиғи С. Жаворонков, Хитой Халқ Республикаси Граждан ҳаво флоти бошқармасининг бошлиғи Гуан Жэн-нон имзоладилар.

Битимни имзолаш вақтида Хитой Халқ Республикаси Граждан ҳаво флоти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шэн Ту, Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг Маслаҳатчиси Ли Тао, Граждан ҳаво флоти халқаро ҳаво алоқалари бошқармасининг бошлиғи В. Даниличев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ бўлими мудирининг ўринбосари В. Пелишенко ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ХХР — МХР—СССР ўртасида туташ темир йўл алоқаси бошланганлигига доир

ПЕКИН, 4 январь. (ТАСС). Хитой матбуоти Совет Иттифоқини, Мўғулистон Халқ Республикасини ва Хитой Халқ Республикасини бир-бирлари билан боғлаган янги темир йўл магистралининг очилганлигига катта э'тибор бермоқда.

«Жэньминьжибао» газетаси «Дўстлик йўли» сарлавҳали бошмақоласида бундай деб ёзади: Цзинин-Эрлянь темир йўли қурилишининг тамомланиши, бу йўлда халқаро темир йўл қатнови бошланганлиги Хитойнинг Совет Иттифоқи билан, Мўғулистон билан, Европадаги бошқа қардош мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди ва Хитойда социалистик қурилишни тезлатиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Хитой Халқ Республикаси, деб ёзади, газета, ўз халқ хўжалигини тиклаш ва социализм қуриш ишида Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагерьдан ёрдам олиб келди ва ҳали ҳам ёрдам олмоқда. Бизнинг улуғ дўстимиз ва иттифоқчимиз — Совет Иттифоқи, дейилади мақолада, техника соҳасидаги бой тажрибаларини биз билан доим баҳам кўрмоқда, Хитой учун энг янги хилдаги ускуналарни тайёрлаб бермоқда, Хитойга ўз мутахассисларини юбормоқда, Совет Иттифоқида Хитой учун техника кадрлари тайёрланмоқда. Бундай ёрдам Хитой Халқ Республикасида социалистик қурилишни тезликда тугаллашнинг ҳал қилувчи факторларидан биридир.

Газета мақоланинг охирида қуйидагиларни ёзади: Хитой, Совет Иттифоқи ва Мўғулистон ўртасида туташ темир йўл алоқаси бошланганлиги ҳар уччала қардош мамлакат ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Халқ бу темир йўлга дўстлик йўли деган номни берди. Бу ном шу уч мамлакат ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстликни яққол ифода этади.

Улан-Батордан биринчи поезд Пекинга келди

ПЕКИН, 5 январь. (ТАСС). Хитой, Мўғулистон ва Совет Иттифоқини бир бирлари билан боғлайдиган ва янги қурилган темир йўл магистралида Хитой Халқ Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг ҳукумат делегациялари тушган биринчи поезд кеча Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекинга келди.

Пекин вокзалида биринчи поездда Улан-Батордан келган ХХР, МХР ва СССР ҳукумат делегациялари а'золарини ХХР Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Ли Сянь-нянь, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Хань Фу, темир йўллар министрининг ўринбосарлари Люй Чжэнцао ва Лю Цзянь-чжан ва бошқа расмий кишилар, шунингдек Пекин жамоатчилигининг вакиллари ва дипломатия корпусининг а'золари кутиб олдилар.

Поезд келиб тўхташи билан Пекин вокзалида ХХР, МХР ва СССР ўртасида туташ темир йўл қатнови очилишига бағишланган митинг бўлди. Митингда Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Ли Сянь-нянь нутқ сўзлади. У, ХХР ҳукуматининг таклифига мувофиқ Хитойга келган Совет Иттифоқи ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумат делегацияларини Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан қизғин табриклади ва уларга самимий салом топширди.

Хитой халқи, деди Ли Сянь-нянь, Хитой Халқ Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи ўртасида халқаро туташ темир йўл қатновининг очилишини ғоят зўр хурсандчилик билан нишонламоқда. Цзинин—Улан-Батор темир йўлида поезд қатновининг бошланиши Европа ва Осиёдаги қардош мамлакатларни бир-бири билан боғловчи янги магистрал ишга туширилганлигини кўрсатади. Бу эса, қардош мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни кучайтиришга, тинчлик, демократия ва социализм лагерининг бирлиги ва қудратини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Митингда МХР ва СССР ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ҳам нутқ сўзладилар.

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРГА ДОИР

ПАРИЖ, 4 январь. (ТАСС). Ички ишлар министрлиги метрополиядаги 103 сайлов округидан 102 тасида (Мозель департаментидан ташқари) овозларнинг тақсимланиши тўғрисида қуйидаги маълумотларни э'лон қилди. 26.353.278 сайловчи, я'ни 1951 йилда ўтказилган сайловларга нисбатан 2.179.133 кўпроқ сайловчи рўйхатга олинди. Овоз беришда 21.794.974 киши қатнашди. 4.558.304 сайловчи (сайловчиларнинг 17,2 проценти) овоз беришда қатнашмади. 21.138.159 бюллетень ҳақиқий деб топилди.

Овозлар қуйидагича тақсимланди: Франция коммунистик партияси 5.426.803 овоз (овозларнинг 25,6 процентини) олди. Коммунистлар 1951 йилдаги сайловларга нисбатан 415.551 кўп овоз олдилар. Социалистик партия 3.171.985 овоз (овозларнинг 15 процентини), турли сўл группалар 354.778 овоз (овозларнинг 1,6 процентини), радикал-социалистлар ва «сўл республикачилар бирлашмаси» 2.919.412 овоз (овозларнинг 13,6 процентини), МРП 2.261.676 овоз (овозларнинг 10,6 процентини), «мустақил республикачилар» ва «мўтадил группалар» 3.008.487 овоз (овозларнинг 14,1 процентини), «социал республикачилар» 893.811 овоз (овозларнинг 4,2 процентини), «савдогар ва ҳунармандларни ҳимоя қилиш союзи» («Пужад ҳаракати») 2.413.240 овоз (овозларнинг 11,4 процентини) олди.

Қолган овозлар майда ўнг гуруҳлар ўртасида тақсимланди.

БОШ МИНИСТР НЕРУ АГРАДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

ДЕҲЛИ, 4 январь. (ТАСС). Деҳли радиоси билдиради: Бош министр Неру кеча Аграда ўтказилган оммавий митингда нутқ сўзлаб, бундай деди: Ҳиндистон совет раҳбарларининг Гоа ва Кашмир тўғрисида яқинда қилган баёнотларини табриклайди. Ҳиндистон бу баёнотни яна шунинг учун ҳам табрикламоқдаки, Булганин ва Хрушчев ана шу проблемаларни пухта ўрганиб чиққанларидан кейин ва бизнинг томонимиздан ҳеч қандай талаб қўйилмагани ҳолда шу баёнотни бердилар. Уларнинг баёнотлари тўғри ва яхши ниятни кўзда тутган баёнотлар бўлиб, бизни, албатта, қувонтирди.

Бош министр Ҳиндистоннинг Кашмир ва Гоа проблемаларини тинч воситалар билан ҳал этишга интилаётганлигини яна та'кидлади. Ҳиндистон, деди Неру, барча проблемаларни тинч ҳал этишни ёқлайди ва у, Гоа ҳамда Кашмирга нисбатан ҳам ана шу принципни қўлланади. Ҳиндистон қурол ишлатишнинг душманидир, чунки қурол ишлатиш масалани ҳал этишдан кўра каттароқ проблемаларни вужудга келтиради. Неру яна бундай деди: Гоада Португалия ҳукмронлигига хотима бериш керак ва Гоа халқи эркин бўлиши лозим.

Бош министр Ҳиндистоннинг ички аҳволи тўғрисида гапириб, иккинчи бешйиллик план амалга оширилабошлади, деди. Бош министр, оғир машинасозлик ривожлантирилган тақдирдагина Ҳиндистон кучли ва озод бўлаолади, деб та'кидлади. Ишсизлик проблемасини, деди сўзини давом этдириб Неру, саноатни янада ривожлантириш йўли бланигина ҳал этиш мумкин.

ЭРОН ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Эрон парламентининг Ўзбекистонга келган делегацияси республиканинг ҳаёти билан танишишни давом этдирмоқда.

5 январь эрта билан Эрон мажлисининг депутатлари ва сенаторлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб, Тошкентнинг отоқли олимлари билан учрашдилар. Фанлар академияси президиумининг а'зоси профессор О. С. Содиқов республикада фан ва олий та'лимни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар тўғрисида, халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтиришга доир энг муҳим проблемаларни ҳал этаётган илмий муассасаларнинг ишлари тўғрисида меҳмонларга сўзлаб берди. Делегация а'золари Ўзбекистон олимларининг пахтачилик, ирригация, гуманитар фанлар соҳасидаги асарларига ғоят қизиқдилар. Қизғин суҳбат бошланиб кетди. Бу суҳбат давомида, жумладан, Эрон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий алоқалар тўғрисида гап бўлди. Эрон парламентининг а'золари ҳар иккала мамлакат халқлари учун бирхил даражада фойдали бўлган ана шу алоқаларни кенгайтириш, илмий соҳадаги алоқаларни кучайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд қилдилар.

Делегация а'золарининг бир қисми Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасини бориб кўрди. Совет Шарқидаги ана шу энг йирик кутубхонанинг директори меҳмонларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтариб, кутубхонада икки миллион том китоб борлигини, бу китоблардан илмий ходимлар ва инженер-техник ходимларгина эмас, балки ишчилар, олий ўқув юртларининг студентлари ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам бемалол фойдаланаётганликларини айтди. Эрон ёзувчиларининг кутубхонада бўлган асарлари, шунингдек Шарқ тарихига доир нодир китоблар ҳам делегация а'золарига кўрсатилди.

Эрон парламентининг а'золари кутубхонада X асрнинг буюк олими Абу Али ибн Сино ҳайкалини ишлаш учун конкурсга тақдим этилган проектлар кўйилган виставкани тамоша қилдилар. Ҳайкал Абу Али ибн Синонинг ватани Бухорода ўрнатилади.

Тушдан кейин Эрон парламенти делегацияси тўла составда Ороникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига борди. Меҳмонлар бу колхознинг раиси А. Матқобулов билан суҳбат қилиб, колхоз ишлабчиқаришининг экономикаси билан, дала ишларини механизациялаш колхознинг МТС билан ўзаро муносабатлари ва колхозчиларнинг даромадлари билан батафсил танишдилар. «Қизил Ўзбекистон» колхози ташкил этилгандан буён ўтган 25 йил ичида жин майдонини қарийб беш баравар кенгайтирди, пахта ҳосилини уч баравардан зиёд оширди, ўз даромадини ўнларча марта кўпайтирди. А. Матқобулов ана шу рақамларни келтириш билан бирга, дала ишларини кенг миқёсда механизациялаш, совет агротехникасининг энг янги ютуқларини ишлабчиқаришга жорий қилиш колхоз хўжалигини юксалтиришга ёрдам берганлигини та'кидлади.

Делегация а'золари механикалаштирилган чорвачилик фермасида бўлдилар, колхозда қурилаётган гостиницани ва бошқа бирқанча маданий-маиший муассасаларни тамоша қилдилар.

Колхозчилар Эрон мажлисининг депутатлари ва сенаторларни зиёфатга таклиф қилдилар. Зиёфат дастона вазиятда ўтди. Зиёфат вақтида меҳмонлар колхозда кўрган ҳамма нарсаларга қойил қолганликларини айтдилар ва колхозчиларнинг ўз ишларида бундан буён ҳам муваффақият қозонишларини тиладилар. (ЎзТАГ).

Бахтли ёшлик шодиёнаси

Мактабларда, пионер саройларида, майдон ва скверларда, хонадонларда арча чироқлари ёқилган. Ватанимизнинг бепаён ва гўзал ўрмонларидан келтирилган игнабаргли арчаларни бахтиёр болалар ўз қўллари билан безаганлар. Унинг атрофида қўшиқлар айтиб, қадрдон Қорбобо билан учрашмоқдалар.

Свердлов номли концерт залининг ўртасига ўрнатилган арча атрофида биринчи январдан буён катта шодлик давом этаётир. Бу ерда арча атрофида инсценировкалар ҳам кўрсатилмоқда.

Катта ўрмонни тасаввур қилинг. Қор ёғиб турипти. Қорбобо ченага ўтириб катта сафарга жўнамоқчи. Қорқиз ундан:

— Қорбобо йўл бўлсин, қаерга кетаётирсиз? — деб сўрайди.

— Мен бутун Ватан бўйлаб айланмоқчиман. Бахтли болаларимни Янги йил билан табриклаймоқчиман, — жавоб беради басавлат Қорбобо.

— Ундай бўлса, Тошкентга ҳам тушинг. Сизни бахтли болалар кутиб туриптилар, — дейди Қорқиз.

Мана Қорбобо Свердлов номли концерт залига — арча байрамига кириб келади. Уни минглаб болалар қаршн олиб, қутлайдилар.

Қорқиз (Тошкентдаги 88-нчи мактабнинг 4-нчи синф ўқувчиси Олия Бегера) Қорбобони яна шу ерда пионер, ўқувчилар қаторида кутиб олади.

— Салом, Қорбобо! Хуш келибсиз! — дейди юзлаб болалар.

— Салом, сизни Янги йил билан қутлайман! — жавоб қайтаради Қорбобо.

Унинг ёнида ўрмонлан келган меҳмонлари, ҳамроҳлари бор. Мана қуёнлар, айиқполвон. Улар ўз дўстларини кўрганликларидан хурсанд бўладилар.

Арча атрофида бахтли болаларнинг қувноқ қўшиқлари янграб кетади:

Ёшлик арчаси, тинчлик арчаси
Яшна-яшнагил биз
билан бу дам.
Қўшиғимизда шодлик
ҳаваси,
Кенг хонамизда кўрнамсан сен ҳам.

Қорбобо арча атрофидаги бахтли болаларни топишмоқлар айтиб хурсанд қилади. Топганларга соқолини силкиллатиб ташаккур дейди.

Қорбобо (артист А. Е. Безанбек) пионерлардан ўқишлари ва қандай фойдали меҳнат билан шуғулланаётганлари ҳақида сўрайди. Бахтли болалар эса унга дадил жавоб берадилар.

Қорбобо ўзининг ёш дўстларини Янги йил (бу рольни Тошкентдаги 88-нчи мактабнинг 3-нчи синф ўқувчиси Борис Юнусов бажаради) билан таништиради. Болалар Янги йилни қувонч билан кутиб оладилар, у билан дўстлашадилар.

Арча атрофида қувноқ ўйинлар бошланади.

Тошкентдаги 46-нчи мактаб ўқувчиси Дилора Ғойибова, 51-нчи мактаб ўқувчиси Фотима Шомонхўжаева «Пионер вальси»га ўйинайдилар. Ҳамма уларни қаттиқ қарсаклар чалиб кутиб олади.

Болаларнинг юзларида шодлик. Улар арча атрофида қувонч билан ўйнаб, ўзлари учун ҳамма шароит тўла яратиб берилганидан хурсанд бўладилар. 1 январьдан буён Свердлов номли концерт залидаги арча атрофида 10 мингга яқин болалар хурсандлик билан байрам қилдилар. Улар арча атрофида Қорбободан ташқари республиканинг отоқли кишилари, артистлар билан учрашмоқдалар. Бундаги кимматли минутлар уларнинг хотирасида узоқ яшайди. Бу ерда ҳар йили ўтказиладиган традицион арча байрамига шаҳар атрофидан қишлоқ болалари ҳам меҳмонга келмоқдалар. Ҳаммалари дўстона оиланинг катта қучоғида эркин ўсаётганликлари учун партия ва ҳукуматимиздан миннатдордирлар.

Кичкина юракларда катта завқ яшайди. Келажакнинг муносиб эгалари бўлган ёш ленинчилар арча атрофида ўзларининг шодлик қўшиқларини қувонч билан баралла янгратмоқдалар.

Ю. ҲАМДАМОВ.

„Олтин олмалар“

Жанубий Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон, Индонезия ўрмонларида ўсадиган, Скандинавия яримороллари халқларининг эртаклари ва немис афсоналарида қайта-қайта тилга олинадиган «олтин олмалар» ҳақидаги хабарлар Россияга ҳам етиб келди. Улар жуда кўп рус эртакларида кишига ёшлик ва гўзаллик бағишловчи ажойиб мева сифатида тасвирланадиган бўлиб қолди.

Кишига мангу ҳаёт ва ёшлик бахш этувчи бундай афсонавий мевалар нима экан? Улар, ҳеч шубҳасизки, цитрус ўсимликлари—лимон ва нордон апельсиндир. Бу ўсимликларнинг меваси жуда мазали бўлиб, парҳез ва даволаш аҳамиятига эгадир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Россияда цитрус ўсимликларига э'тиборсизлик билан қаралар эди. Қора денгиз қирғоқларига яқин ерларда, Грузия нинг субтропик районларида цитрус ўсимликларини кўпайтиришга уринидилар. Лекин ҳимматбаҳо лимон ва апельсин меваларини четдан келтиришни афзал кўрган чор чиновникларининг мутаассиблиги сабабли катта муваффақият қозонилмади. Апельсин, лимон, мандарин дарахтлари фақат дворян-помещикларнинг чорбоғларида ва бойларнинг боғларида ўстирилди ва ҳосил берди, холос.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, Совет ҳокимияти йилларидагина цитрус ўсимликларини ўстириш ва парвариш қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Грузия ССРнинг қораденгиз бўйлари районларидаги минглаб туп лимон, апельсин ва мандарин дарахтлари мўл ҳосил берабошлади. Чор Россиясида бойлар учун лаззатли овқат ҳисобланган цитрус мевалари бизнинг давримизда умумхалқ истеъмолига айланди. Бу совет кишиларида цитрус меваларини мўл-кўл қилиш истаги кучли эканини кўрсатди.

Цитрус мевалари жуда ширин, шу билан бирга хушбўй бўлишидан ташқари уларнинг таркибида киши организмининг нормал ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган анча миқдорда витамин ва бошқа қимматли органик бирикмалар бор. Масалан, лимон мевасида витамин С, шунингдек А ва В витаминлари жуда кўп. 1938 йилда лимон мевасида витамин Р мавжудлиги ҳам аниқланди.

Совет цитрусшуносларн лимон мевасини истеъмол қилиш, цинга касаллигининг олдини олиш ва цинга билан оғриган беморларни муваффақиятли даволаш билан бирга, ангина билан оғриган беморларни тезда соғайтиришга, яра ва суякларнинг битиб кетишига ёрдам беришини та'кидладилар. Бундан ташқари лимон кислотаси организмдаги тузли ва оҳакли қатламларни эритади, артериосклерознинг ҳамда ўпка ва жигарда тош пайдо бўлишининг олдини олади.

Олтин олмалар деган сўзнинг ма'носи ана шунда. Павлов лимонининг шуҳрати бутун мамлакат бўйлаб ёйилмоқда. Кичкина Павлов шаҳрида, Ока дар'ёси ёқаларида лимон дарахти бўлмаган бирорта хонадон йўқ. Мичурин та'лимоти асосида лимоннинг Россиянинг ўрта доирасида уй шароитида яхши ўсадиган ва мўл ҳосил берадиган янги нав'и яратилди. Ўрол лимони шуҳрат қозонди. Майкоп шаҳри уй шароитида ўсадиган янги нав' лимоннинг ватани бўлиб қолди.

Цитрус ўсимликлари Ўзбекистон агрономлари, ҳаваскор боғдорлар ва мичуринчиларнинг диққат-э'тиборини кўплан бери ўзига жалб этган эди. Республикамизда хўл мевалар жуда кўп бўлса-да, лимон ва бошқа цитрус ўсимликлари йўқ эди. 1949 йилнинг баҳорида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида цитрус ва субтропик ўсимликларни экиш ва ривожлантиришга асос солинди. Шу йили республикамиздаги 40 колхозда қардош Грузиядаги давлат ва колхоз кўчатзорларидан келтирилган лимон кўчатлари ўтқазилди. Колхозчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва илмий ходимлар ўтган 6 йил ичида цитрус ўсимликларини траншеяларда ўстириш агротехникасини ишлаб чиқдилар, траншея цитрусчилиги соҳасида қимматли ишлар олиб борилди. 1953 йилда цитрус ўсимликлари 100 дан ортиқ колхозда муваффақиятли ўстирилди.

Совет кишилари илғор мичуринча фан ютуқларидан самарали фойдаланиб, ноёб ва сермаҳсулдат цитрус ўсимлиги — лимонни Ўрта Осиё шароитида ҳосил беришга мажбур қилдилар.

Самарқанд районидаги «23 февраль» қишлоқ хўжалик артелининг цитрусшуноси ўртоқ В. С. Панин ўзининг цитрус ўсимликларини ўстириш соҳасидаги ишларига И. В. Мичурин та'лимотини асос қилиб олди. У ёш ўсимлик организмларини тарбиялаш ва вегетация йўли билан дурагайлаш методига амал қилиб, танлаш йўли билан лимоннинг маҳаллий шароитга мувофиқлашган «Ўзбекистон» нав'ини вужудга келтирди. Шу билан бирга лимонария типини ишлаб чиқди ҳамда кўчат етиштириш ва цитрус ўсимликларини парвариш қилиш агротехникасини яхшилаш юзасидан қатор тавсияларни таклиф этди.

Мана, биз Тошкент районидаги Сталин номли колхозда турибмиз. Колхоз цитрусшуноси Михаил Сергеевич Малигин меҳмонларни лимонарияга таклиф қилади. Биз траншеяга тушамиз. Бу ерда субтропикларнинг хушбўй иси кезиб юрипти. Йирик олтинсимон ҳосилли мангу кўм-кўк дарахтлар ёқимли ҳид таратмоқда. Пастаккина ўсимликларда мазаси жанубникидан қолишмайдиган лимонлар етилмоқда. Бу—ноёб табиат цитрус ўсимликларидан биридир. У очиқ майдонда субтропикларда ўсиб, кўёш иссигини сезади, аммо қўёшнинг жазирама нурларига бардош бераолмайди. Намни хоҳлайди, бироқ ортиқча намликни кўтараолмайди, апельсин ва мандарингга мутлақо бефарқ бўлган озгина шудрингда ҳалокатга учрайди. Малигин ана шу ноёб табиат, инжиқ ўсимликка ёрдам қўлини узатди.

Тошкент область иқлими кескин континентальдир. Бу ерда ёз иссиқ ва қуруқ бўлади, қиш эса совуқ ва қор кам ёғади. Ёзда температура 40 градус иссиқ, қишда 20—30 градусгача совуқ бўлади.

Ҳозир 17 траншеяда бута шаклидаги юзларча сершох лимон дарахтлари мавж уриб ўсмоқда. Катта ёшдаги 600 дарахтнинг кўпчилиги ҳосил бермоқда. Мана кекса дарахтлардан бири: у 6 ёшда. Унинг шохлари деярли 200 ҳосил меваси оғирлиги та'сирида ерга эгилган. Кичкина кўмкўк лимончалар йирик олтинсимон ҳосил мевалари сафидан жой олган. Бута шохларида тугунчалар ва ҳатто гул ҳам бор. Лимон мевалари пичоқ билан узиб олинади. Агар етилган бирор мева ҳосили узиб олинмай, ўз ўрнида қолдирилса ва киш қаттиқ совуқсиз ўтса, ҳалиги мева ҳосилида ажойиб ҳодиса рўй беради: киш ўтиб кетгач, у баҳорда яна янгидан кўм-кўк туска киради ва келгуси кузда қайта иккинчи марта сарғаяди.

Михаил Сергеевич бизга ўз кўчатларини фахрланиб кўрсатади, колхозда ҳарбир туп кўчатдан 50—60 мева ҳосили олинаётганини, ҳозир мева берувчи лимон дарахтлари сони 80га етганини айтади.

—Мен,—дейди ўртоқ Малигин,—хусусан Тошкент областида ҳарбир колхоз ва совхозда лимон етиштириш мумкинлигига ишонаман. Аммо табиатдан марҳамат кутиб ўтириш керак эмас, балки актив равишда ёрдам кўрсатиш, мичуринчасига ҳаракат қилиш лозим.

Ўртоқ Малигин цитрус ўсимликларини етиштиришдаги муваффақиятлари учун икки йилдан бери Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиб келмоқда. Ана шу моҳир цитрусшунос оранжериясини фақат Тошкент аҳолисигина эмас, балки республикамизнинг бошқа областларидан келган меҳмонлар ҳам қизиқиб кўздан кечирмоқдалар. Яқинда бу ерда Грузиянинг азалдан цитрусчилик билан шуғулланиб келаётган цитрусшунослари бўлиб, Малигиннинг ишига катта баҳо бердилар.

Тошкент аҳолисининг кўпчилиги Сталин номли колхоздан лимон кўчатлари олмоқда. Баҳорда 1000дан ортиқ кўчат сотилди. Шу йилда сотиш учун яна 5000 кўчат тайёрланмоқда. Колхозчи Нажим Шамсиев ўз боғида кичкина траншея барпо этди. Яқин вақтлар ичида у ҳам ўз лимонига эга бўлади. Дала мудири Ўртоқ Аҳмедова ва бошқа колхозчилар цитрус ўсимликларини кўпайтириш билан шуғулланмоқдалар.

Михаил Сергеевичнинг плани катта. У колхоз тажрибаси республикамиздаги барча колхозчилар ва механикаторларнинг мулки бўлиб қолишини, Тошкент лимонлари олма ва узум сингари машҳур бўлишини истайди.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Суратда: цитрусшунос ўртоқ **М. С. Малигин** терилган лимонларни кўздан кечирмоқда.

А. Аверьянов фотоси.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/I да кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Шамсиқамар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/I да кундуз **Гулсара**, кечқурун **Кармен**. Татаристон АССР халқ артисти **Мунира Бўлатова** қатнашади, 7/I да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Евгений Онегин**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/I да кечқурун янги спектакль **Сингиллар қиссаси**, 7/I да кундуз **Тоҳир ва Зуҳра**.

«РОДИНА» — кундуз **Васёк Трубачёв ва унинг ўртоқлари**, кечқурун янги норвеж-югослав бадиий фильми **Қонли йўл**.

НАВОИЙ номли — кундуз **Васёк Трубачёв ва унинг ўртоқлари**, кечқурун **Қонли йўл**.

«ИСКРА» — эрталаб соат 9 — 40 минутдан кундуз соат 12 — 20 минутгача **Гўзал Василиса**, кундуз соат 1 дан **Адрес эгасини қидириб**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз соат 4 гача **Васёк Трубачёв ва унинг ўртоқлари**, кеч соат 6 дан янги поляк бадиий фильми **Умид соатлари**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Адрес эгасини қидириб, кечқурун Умид соатлари**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Литва цирк коллективининг гастрольлари, Янги йил арчаси.** Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуш бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 01301 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1344.